

Маҳаллада яшил ҳудуднинг янги харитаси чизилади

2-с.

Талабаликдан меҳнат ҳаётигача: янги имконият янги масъулиятни ҳам талаб қилади

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
10 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№82
(2410)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛАДАГИ МУАММО ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Ғофуржон Мирзаев ҳамда Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов раислигида аҳоли бандлиги, камбағалликни қисқартириш, оилалардаги ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш ва маҳаллалар ободлиги бўйича долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Йиғилишда **аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, миграцияга кетган фуқаролар билан ишлаш** самарадорлигини ошириш ва ҳар бир маҳаллада мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, **маҳаллаларда тазйиқ ва зўравонлик, эрта турмуш ҳамда оилавий ажралишларнинг олдини олиш** борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, **“Тозалик ва озодалик — долзарб икки ойлиги”**ни намунали ташкил этиш, **маҳаллаларни хизмат бинолари билан таъминлаш** ҳамда “оғир” тоифадаги маҳаллаларни аниқлаш масалалари ҳам кун тартибидан ўрин олди.

Йиғилишда ҳар бир йўналиш бўйича масъулларнинг вазифалари белгилаб олиниб, мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг ечимини таъминлаш ва амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.



ОИЛА ДЕВОРИДАГИ КЎРИНМАС ЁРИҚЛАР...

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — БИР МАҚСАД, БИР НАТИЖА



МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАНЗАРАСИ — ХОНАДОНЛАР ФАРОВОНЛИГИ ВА МУШТАРАК МАСЪУЛИЯТДА

Бухоро вилоятидаги 516 та маҳалланинг ҳар бири ўз муҳити, одамлари, муаммолари ва имкониятларига эга. Аммо маҳаллалар фаолиятига баҳо беришда уларда нечта масала ҳал этилганидан ташқари, камчилик қандай аниқлангани, ечимга кимлар жалб қилингани ва бу ўзгариш одамлар ҳаётида қандай ўрин тутганини ҳам инобатга олиш керак. Чунки маҳалладаги фаолиятнинг ҳақиқий натижаси аҳолининг кундалик турмушида кўпроқ намоён бўлади.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятининг мазмуни ҳам, аввало, шу жиҳатларда кўринади. Муаммони бир идорадан бошқасига йўналтириш билан унинг ечимини топиш ўртасида фарқ бор. Биринчи ҳолатда одам яна кутади, иккинчисида эса унинг ташвишига шерик бўладиган, имкониятларни бирлаштириб, аниқ натижага интиладиган жамоа шаклланади.

Бухоро вилоятидаги иккита маҳалла — **Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Боҳарзий номидаги ва Қоровулбозор туманидаги “Бўзачи” маҳаллалари** тажрибаси орқали ана шу ёндашувни — аҳоли билан ишлаш усуллари, “еттилик” ҳамкорлиги ва одамларга қулайлик яратишга қаратилган ташаббусларни таҳлил қилиш мумкин.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Огоҳлик гуруҳлари” одамлар орасида осойишталик омилига айланяпти

Бугунги кунда жиноятчилик тушунчаси фақат ўғрилик ёки маҳалладаги оддий тартиббузарликлар билан чекланиб қолмаяпти. Аҳолининг ҳушёрликни йўқотиши ва замонавий технологиялардан етарлича хабардор эмаслиги янги турдаги жиноятларнинг илдиз отишига замин яратмоқда.

5-с.

Меҳмонхона билан шифохонани бир тарозига қўйиш инсон ҳаётига хавф эмасми?

Бир қарашда, “доимий яшаш” ва “вақтинча турган жойи” каби эскирган атамаларни замонавий ҳуқуқий тилга мослаштириш, меҳмонхона ва дам олиш масканларида ички хавфсизликни таъминлаш учун назоратни кучайтириш ижобий қадамдек кўринади. Бироқ...

7-с.

Бировнинг тинчлиги ҳам сизникидек қадрли

Аслида, маданият инсоннинг ҳеч ким кўриб турмаганида ҳам бошқаларнинг ҳаққини қай даражада ҳурмат қилиши билан ўлчанади. Зеро, ўз хонадонини тоза сақлаш яхши одат бўлса, бутун уйни озода тутиш — масъулият, қўшнининг тинчлигини асраш эса инсонпарварлик белгисидир. Бошқаларнинг осойишталигини ҳурмат қилиш учун ҳаммага қоида ўрнатиш шарт эмас.

8-с.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА

Кеча ва бугуннинг фарқи одамлар онги ва ободликда акс этади

Маҳалланинг қиёфаси кўча бошидан бошланади. Равон йўл, ёруғ кўча, тартибли уйлар, болалар кулгиси эшитиладиган майдонча, кексалар сайр қиладиган маскан — буларнинг барчаси бир ҳудуднинг яшаш учун қанчалик қулай эканини белгилайди. Кармана туманидаги “Сардоба” маҳалласида кеча билан бугун ўртасидаги фарқ ана шу оддий манзараларда кўрина бошлаган...



...Бир вақтлар “Сардоба”га кириб келган кишини таъмирталаб йўллар, эскирган кўп қаватли уйлар, етарлича ёритилмаган кўчалар ва фойдаланишга мослаштирилмаган бўш ҳудудлар қарши оларди. Инфратузилмадаги айрим муаммолар аҳолининг кундалик турмушига таъсир қилар, мавжуд имкониятлар эса тўлиқ ишга солинмас эди...

Бугун эса бу манзилда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” қад ростлаяпти. Дастур доирасида маҳаллага республика бюджетидан 5 миллиард сўм, “Навоий кон металлургия комбинати” ҳомийлиги ҳисобидан 12 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Бу катта маблағлар маҳалланинг ташқи кўриниши билан бирга, унинг ички ҳаётини ҳам яхшилашга хизмат қилаётир.

Давоми 2-саҳифада.



“ЎҚИЙМАН, ЎРГАНАМАН, МАҲАЛЛАМГА ТАТБИҚ ЭТАМАН”

Дилшод НАЖМИДДИНОВ,
Кармана туманидаги
“Янги Варқ” маҳалласи раиси:

— Маҳалла раиси сифатида ҳар куни одамлар билан мулоқотдаман, уларнинг муаммолари, таклифлари ва ташвишларини тинглайман. Бундай пайтда тўғри қарор қабул қилиш, аҳолига тушунтириш бериш ва маҳалламиздаги ишларни янада самарали ташкил этиш учун билим ва тажриба жуда керак. Шу боис **“Mahalla” газетасига** ҳар йили биринчилар қаторида обуна бўламан. Бошқа маҳаллалардаги иш усулларини ўқиб, ўзимизда ҳам қўллаш мумкин бўлган жиҳатларни излайман.

“Mahalla ko’zgusi” журнали ҳам фаолиятимиз учун зарур нашр. Унда маҳалла тизимидаги янгиликлар таҳлилий, амалий тавсиялар ва ҳамкасбларимиз тажрибаси билан уйғун ҳолда берилади. Баъзан бир мақоладаги фикр ёки бир тажриба кундалик ишимизда дуч келадиган масалага ечим топишга ёрдам беради. Мен бу нашрларга маҳалламиздаги фаоллар билан бирга ўқиб, керакли фикрларни муҳокама қилиш учун ҳам обуна бўламан.



Чирчиқ шаҳрида “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ИШТИРОКИДА оилавий низоларни медиация йўли билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.



1 октябрь ҳолатига кўра, МАҲАЛЛА ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун 213,7 миллиард сўм сарфланди.



Тошкент вилоятидан ЯНГИҲАЁТ ТУМАНИГА ҚЎШИЛГАН 7 ТА МАҲАЛЛАДА кўчани ёритиш тизими янгиланди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — БИР МАҚСАД, БИР НАТИЖА

Маҳалла тараққиётининг ҳақиқий манзараси — хонадонлар фаровонлиги ва муштарак масъулиятда



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА МАСЪУЛИЯТИ ИНСОН ТАҚДИРИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Сайфиддин Боҳарзий номидаги маҳалла “яшил” тоифада. *Ҳудудда 4 минг 322 нафар аҳоли истиқомат қилади.*

Маҳаллада 40 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётгани иқтисодий фаоллик учун муайян замин борлигини кўрсатади. 2026 йилнинг шу даврига қадар яна 24 та лойиҳага 1 миллиард 240 миллион сўм кредит ажратилди, 10 нафар фуқаро доимий ишга жойлашди, 5 нафари ўзини ўзи банд қилди, яна 5 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Бу натижаларнинг аҳамияти шундаки, бандликка бир хил ёндашув билан эришиб бўлмайди. “Маҳалла еттилиги”нинг вазифаси ҳам фуқаронинг эҳтиёжини аниқлаш, мавжуд имкониятларни бирлаштириш ва амалий натижага эришишдан иборат.

— Ҳар бир оиланинг шароити ва эҳтиёжи ҳар хил, шунинг учун муаммони “хонадонбай” ўрганиб, унга мос ечим топишга ҳаракат қиламиз, ***— дейди маҳалла раиси Зарина Султонова.*** *— Кимгадир иш топишда кўмак керак бўлса, бошқасига ўз ишини бошлаш учун молиявий ёрдам зарур. Шу асосида жорий йилда 20 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. “Аёллар дафтари”даги хотин-қизларни эса касаначилик, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш йўналишларига жалб қиляпмиз. Умуман, ҳар бир фуқаронинг имкониятини юзага чиқаришга интиляпмиз.*

Маҳаллада барча хонадонлар электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув билан таъминланган, янги маҳалла идораси биносини қуриш ишлари эса бошланган. Бу аҳоли учун яратилган шароитларнинг муҳим қисми. Бироқ қулайлик фақат инфратузилма билан чекланмайди. У одамлар турмуш тарзида ҳам ўз ифодасини топаётир.

— Одамларнинг муаммоси ҳал бўлиб, кўнгли хотиржам бўлганини кўришнинг ўзи катта қувонч, ***— дейди маҳалла фаоли Алибек ота Раҳмонов.*** *— Илгари айрим масалалар бўйича идорама-идора юришга тўғри келган бўлса, бугун “еттилик” аъзолари биргаликда ҳаракат қилиб, фуқароларнинг ташвишини жойида ўрганишга, имкони борича тезроқ ечим топишга интиляпти. Маҳалламиздаги ўзгаришларни, одамларнинг кайфияти ва ҳаётга муносабатидаги ижобий янгиланишларни кўриб, хурсанд бўламиз. Албатта, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар бор. Энг муҳими, одамлар маҳаллага ишонч билан мурожаат қиляпти, муаммоси билан ёлғиз қолмаслигини ҳис этяпти. Менимча, маҳалладаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашда ана шу гамхўрликнинг ўрни катта.*

Эътиборлиси, маҳаллада келгуси йил учун ҳам ҳозирдан режалар тузилган. Жумладан, 2027 йилда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 18 нафар фуқарога 900 миллион сўм кредит, 8 нафарига 70 миллион сўм субсидия ажратиш режалаштирилган. Бу орқали 20 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилади, 33 нафар фуқаро ишга жойлаштирилади, 28 нафари ўзини ўзи банд қилади. Қолаверса, 13 та оилани камбағалликдан чиқариш, 15 нафар фуқарони касбга ўқитиш кўзда тутилган.

ЭҲТИЁЖНИ АНГЛАШ — ЕЧИМНИНГ БОШЛАНИШИ

Қоровулбозор туманидаги “Бўзачи” маҳалласи ҳам “яшил” тоифада. *Ҳудудда 3 минг 115 нафар аҳоли, 945 та оила истиқомат қилади.*

Айни пайтда бу ерда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури ҳаётга татбиқ этилаётир. Дастур доирасида бугунгача маҳалланинг 5,2 километр ички йўллари асфальтланди, пиёдалар йулакчаси бунёд этилди, 3 та дам олиш майдончаси қурилди. Ҳудуддаги қабристон ободонлаштирилди. Айни кунларда болалар ва воркаут майдончасини қуриш ишлари давом этаётир.

— Маҳалладаги ҳар бир муаммонинг ортида инсон тақдири, оиланинг ташвиши ва келажагига боғлиқ режалар бор, ***— дейди маҳалла раиси Гулнора Нарзиева.*** *— Шунинг учун ҳар куни иш фаолиятини одамларнинг дардини тинглашдан бошлаймиз. Бундай пайтда “еттилик” аъзоларининг бир-бири билан ҳамкорлиги, ҳар ким ўз йўналиши бўйича масъулиятни ҳис қилиши муҳим. Муаммони фақат қайд этиш билан чекланмай, унинг сабабини аниқлаш ва ечимигача ҳамроҳ бўлишга ҳаракат қиламиз. Чунки одамлар маҳаллага мурожаат қилганда қуруқ ваъда эмас, амалий ёрдам кутади.*

Ҳудуддаги ўзгаришларни баҳолашда йил бошидаги ва бугунги рақамларни таққослашнинг ўзи кўп нарсани англатади. Жумладан, маҳаллада йил аввалида 44 нафар ишсиз шахс рўйхатга олинган бўлса, бугун уларнинг сони атиги икки нафарни ташкил этаётир. Ишсиз шахсларнинг 12 нафари ўз йўналиши бўйича иш билан таъминланди, 30 нафарига тадбиркорликни бошлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Жумладан, Руҳшона Самандарова маҳалладаги мактабгача таълим муассасасида иш бошлади, Фарангиз Ғайбуллаева эса энди фаолиятини ҳудуддаги умумтаълим мактабида устозлик мақомида давом эттиради. Фаррух Асадовнинг чорвачиликка оид лойиҳаси ҳам қўллаб-қувватланиб, унга имтиёзли кредит асосида чорва моллари олиб берилди. Шаҳрулло Ҳотамовнинг томорқачилик тажрибаси эса бутун қоровулбозорликлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

— Томорқа — биз учун меҳнат билан даромад топиш, оила фаровонлигини ошириш имконияти, ***— дейди Шаҳрулло Ҳотамов.*** *— Уни тўғри режалаштириб, ердан унумли фойдаланилса, рўзғорга барака киради, ортиқча харажатлар камаяди. Мен доим одамларга ўз томорқасини бўш қолдирмаслик, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишни маслаҳат бераман. Бугун маҳалламизда одамларни ишли, даромадли қилиш, тадбиркорликка йўналтириш, ўз меҳнати билан ҳаётини яхшилаши учун шароит яратилаётгани қувонарли. Бунёдкорлик дегани фақат янги бино қуриш эмас, инсоннинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш, уни меҳнатга рағбатлантириш ҳамдир.*

Келгуси вазифалар ҳам иқтисодий фаолликни кенгайтиришга қаратилган: 16 та янги тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, 103 та иш ўрни яратиш, 21 нафар фуқарони мономарказда ўқитиб, ишга жойлаш режалаштирилган. Шунингдек, 49 нафар фуқаро тадбиркорлик дастурлари орқали қўллаб-қувватланади, 9 нафари касб-ҳунарга йўналтирилади.



Маҳалладаги ўзгаришлар одамлар ҳаётига дахл қилгандагина қадрлидир. Кимнингдир ишли бўлиши, оиланинг ўз даромад манбаини топиши, кўчаларнинг ободонлашиб, аҳоли учун қулайликлар яратилиши — буларнинг ҳар бири ортида аниқ меҳнат ва ҳамкорлик турибди. “Маҳалла еттилиги”нинг салоҳияти ҳам муаммоларни ҳал этиш учун одамлар, имкониятлар ва масъулиятни бирлаштира олишда намоён бўлади. Зеро, обод маҳалла ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришни ҳис қилаётган, эртанги кунига ишонч билан қарайдиган инсонлар билан қад ростлайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА

Кеча ва бугуннинг фарқи одамлар онги ва ободликда акс этади



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Алишер ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Кармана тумани бўлими бошлиғи.

Лойиҳа доирасида ҳудудни замонавий услубдаги шаҳарча кўринишига келтириш режалаштирилган. Кенг ва равон йўллар, замонавий архитектура асосида барпо этилаётган бинолар ҳамда ҳудуднинг ҳар бир бурчагидаги дизайн ечимлари маҳаллага мутлақо янги қиёфа бағишламоқда.

Айрим рақамларга эътибор қаратайлик. Ички йўлларнинг 1,1 километри асфальтланди, 2 километр ичимлик сув тармоги янгиланди, кўчаларга юзга яқин янги чироқлар ўрнатилди. Кўп қаватли уйларнинг ташқи қисми пардозланди, 1,9 километрлик саломатлик йўлаги ва бешта болалар ўйингоҳи аҳоли учун янги ижтимоий маконни шакллантирмоқда. Замонавий талабларга жавоб берадиган оилавий шифокорлик пункти, янги кўринишдаги мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари барпо этилди.

Бу рақамларнинг ҳар бири ортида инсонларнинг кундалик эҳтиёжи бор. Йўл — ҳаракат қулайлиги, ёруғлик — хавфсизлик, тоза сув — саломатлик, болалар майдончаси — оила ва аҳоли ҳаёти учун зарур муҳит дегани. Ўзгаришларга айнан шу яхлитлик нуқтаи назаридан ёндашилмоқда.

Чунки битта йўлни таъмирлаш билан маҳалла обод бўлиб қолмайди. Унинг ёнида ёруғ кўча, тоза сув, болалар майдончаси, хизмат кўрсатиш нуқтаси, иш ўрни ва аҳоли дам оладиган маскан ҳам бўлиши керак. Қиёфа деган тушунча айнан шу яхлитликда намоён бўлади. “Сардоба”даги ўзгаришлар маҳаллани яқин йилларда замонавий инфратузилмага эга, аҳолиси фаровон ҳаёт кечирадиган ва тадбиркорлик ривожланган намунавий ҳудудлардан бирига айлантиради.

Янги қиёфанинг яна бир белгиси — меҳнат ва даромад учун шароит. Маҳаллада амалга ошириладиган ислоҳотлар натижасида 400 нафардан зиёд аҳоли хонадонларида доимий даромад манбаи яратилади ва маҳалла йил якунига қадар ишсизликдан холи бўлади.

Маҳаллада саноатни ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 100 миллион долларлик иккита лойиҳа доирасида 315 та янги иш ўрни яратилади. Жумладан, бугунгача 80 ўринли текстиль корхонаси ишга тушди. Унда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар вакиллари иш билан таъминланган. Хонадонларда иссиқхоналар ташкил этилиши ҳам оилалар даромадини оширишга хизмат қилади.

Маҳалладаги яна бир муҳим лойиҳа — “Мебелчилик саноат ҳудуди”нинг ташкил этилишидир. Унинг умумий майдони 6 гектарни ташкил этиб, бу ерда 6 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада маҳалла ва унга туташ йиғинларнинг 200 нафардан ортиқ фуқароси ишли бўлди.

Сирасини айтганда, маҳалладаги ўзгаришларни одамлар кўп йилдан бери кутаётганди. Бугунгача қилинган ишлар маҳалла манзарасини тубдан янгилади. Бу ҳали бошланиши. Яқин орада маҳалла биноси, кичик бозор, савдо ва маиший хизмат нуқталари, спорт майдончаси, нуроний-лар маскани, тиббий хизмат масканлари аҳоли ихтиёрига топширилиши маҳаллада бошланган жараённи янада тўлдиради. Бу ерда муҳим жиҳат бор. Янги бинонинг ҳақиқий қиймати одамлар ҳаётида намоён бўлади. Ишламай турган дўкон хизмат нуқтасига, бўш турган майдон болалар масканига, таъмирланган йўл ҳаракатни енгиллаштирувчи имкониятга айлангандагина сарфланган маблағ ўз самарасини топади.

“Сардоба” мисолида бир ҳақиқат аниқ кўринади: маҳалла қиёфаси йўл, сув, ёруғлик, меҳнат, таълим, дам олиш ва мулоқот учун яратилган шароитларнинг бир-бирига уйғунлашувидан таркиб топади. Шу маънода “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури “Сардоба” учун қурилишлар рўйхатидан кўра кенгроқ мазмун касб этаётир. Бу — одамлар ўз маҳалласида ўзгаришни кўрибгина қолмай, уни ҳар куни ҳис қиладиган янги муҳитнинг шаклланиш жараёнидир.

ОБОДЛИК ФАЛСАФАСИ

Маҳаллада яшил ҳудуднинг янги харитаси чизилади

Самарқанд вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил кузги мавсумда 11 миллион 355 минг туп кўчат экиш режалаштирилган.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
журналист.

Янги тартибга кўра, кузги мавсумдан бошлаб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси **“3 — 30 — 300” халқаро мезони** асосида амалга оширилади. Бу ҳар бир инсон ўз яшаш ёки иш жойидан камида 3 та дарахтни кўра олиши, маҳалла, кўча ва шаҳар ҳудудларининг камида 30 фоизи яшил майдон ва дарахтзорлар билан қопланган бўлиши, ҳар бир фуқаро яшил ҳудуд, боғ ёки жамоат паркигача 300 метрдан узоқ бўлмаган масофада яшил маконга эга бўлишини ифодалайди. Уни намунали тарзда амалга ошириш учун вилоятдаги **ҳар бир туман ва шаҳардан ўнтадан маҳалла** танлаб олинди.

Экиш — ишнинг бошланиши, парвариш эса асосий вазифа саналади. Шу боис 1 октябрдан бошланган “Тозалик ва озодалик — долзарб икки ойлиги” доирасида дастлаб маҳаллаларда яшил ҳудудлар жойлашувини аниқлаш, ерларни тайёрлаш, сув манбаларини, кўчат ва буталар захирасини яратиш чоралари кўриляпти. Самарқанд вилоятида 10 ноябрдан кўчат экишга киришилади.



— “Яшил макон” лойиҳасининг куз мавсумида вилоят маҳаллаларида 2 миллион 289 минг 100 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш вазифаси белгиланган, ***— дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиги Исроил Жабборов.*** *— Бу жараённи ташкил этишда биз учун асосий мезон кўчатларнинг кўкариши ва келгуси йилларда ҳам сақланиб қолиши ҳисобланади. Шу мақсадда кўчат экиш ишлари аниқ манзиллар, масъуллар ва парвариш чоралари асосида ташкил этилади. “Маҳалла еттилиги” ҳар бир маҳаллада камбағал оилаларнинг хонадонларига 20 тупдан, якка ёлғиз кексаларнинг хонадонларига 10 тупдан кўчат етказиб беради. Ўзларига бириктирилган кўчаларда эса ҳар бири 50 тупдан, жами 312 минг туп дарахт экилишини ташкил қилади. Вилоят бўйича қарийб 127 та маҳаллада мавжуд “Маҳалла боғлари”да қуриб қолган кўчатлар ўрнида янгилари экилади. 16 та йигинда янги “Маҳалла боғи” ташкил қилиниб, уларнинг ҳар бирига 500 тупгача дарахт кўчатлари ўтқазилади.*

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Самарқандда яна бир эзгу ташаббус бошланди. **“Яшил ва ёруғ маҳалла”** лойиҳаси асосида вилоятдаги 388 та маҳаллада боғ яратиш, 169 та маҳаллада қуёш панелли 4 400 та тунги чироқ ўрнатиш, дарахтлар атрофини бетон ва бошқа тўсиқлардан тозалаш ишлари амалга оширилади. Айни пайтда маҳаллалар аҳолиси, ҳомийлар ёрдам билан бу юмушларга киришилган.



“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ масъуллари олийгоҳлар ва хорижий таълим муассасаларида иқтидорли ёшлар ва талабалар билан учрашувлар ўтказди.



ЯНГИБОЗОР ТУМАНИДАГИ “ЯНГИЁП” МАҲАЛЛАСИДА ёшлар билан очиқ мулоқот шаклида “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.



Ўзбекистон ёшлар етакчиларини қўллаб-қувватлаш маркази АНГОР ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИ ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИГА услубий кўмак кўрсатди.

Mahalla

№82

2026 ЙИЛ
10 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Талаба шартномага имзо қўйишдан олдин қайси корхонада, қандай вазифада ва қандай шароитда ишлашини аниқ билиши керак

ҲАЁТ ВА КАСБ

ТАЛАБАЛИКДАН МЕҲНАТ ҲАЁТИГАЧА: янги имконият янги масъулиятни ҳам талаб қилади

Олий таълим муассасасини тугатган ёшларнинг олдида кўпинча бир хил савол туради: диплом бор, энди уни амалда қандай ишга соламан? Йиллар давомида назарий билим олган битирувчи ишга киргач, касбининг амалий жиҳатларини яна бошидан ўрганишига тўғри келади. Иш берувчи учун ҳам тажрибасиз ходимни тайёрлаш қўшимча вақт ва меҳнатни талаб қилади. Олий таълим билан меҳнат бозори ўртасидаги мана шу масофани қисқартириш зарурати дуал таълимга бўлган эътиборни кучайтирмоқда.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Шу мақсадда **“Олий таълимда дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.** Унга кўра, 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб, иш берувчи корхоналар буюртмаси асосида, битирувчини кейинчалик ишга қабул қилиш шарти билан дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Яъни ёш мутахассис касбини фақат аудиторияда ўрганиб қолмайди, ўқиш давридаёқ шу соҳадаги иш жараёнига кириб боради.

Тизимнинг моҳияти оддий: талаба ўқийди ва бир вақтнинг ўзида корхонада амалий кўникма ҳосил қилади. Бунда олийгоҳ, иш берувчи ва талаба ўртасидаги муносабат шартнома билан белгиланади. Корхона талабага ўқиш даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи тўлайди. Талаба эса таълимни тугатгач, камида икки йил шу корхонада ишлаб бериш мажбуриятини олади.

Бу, албатта, ёшлар учун янги истиқбол демак. Аммо бунинг ўзи ҳали натижа дегани эмас. Имкониятни тўғри ишлатиш учун талабанинг ўзидан ҳам анча нарса талаб қилинади.

Аввало, ўқиш билан ишни бирга олиб бориш осон бўлмаслиги мумкин. Бугунгача талаба учун асосий вазифа дарсларни ўзлаштириш бўлган бўлса, энди унинг зиммасига иш жойидаги масъулият ҳам қўшилади. Эрталабки дарс, кейинги амалиёт, топширилиши керак бўлган вазифа, назорат ёки имтиҳон — буларнинг барчасини бир вақтда бошқариш учун вақтни тўғри тақсимлаш керак. Бунга тайёр бўлмаганларда чарчоқ, ўқишда ортда қолиш ёки ишдаги масъулиятни тўлиқ бажара олмаслик каби муаммолар юзага келиши мумкин. Шунинг учун дуал таълим талабадан, энг аввало, интизомни кутади. Ишга вақтида бориш, берилган вазифани бажариш, билмаганини сўраш, хатодан хулоса чиқариш, жамоа билан ишлаш — булар ҳам касбий тайёргарликнинг бир қисмига айланади. Талаба амалиётни “мажбурий машғулот” деб эмас, келажакдаги ишининг дастлабки босқичи, деб қабул қилиши керак.

Бироқ барча масъулиятни ёшларнинг зиммасига юклаш ҳам тўғри эмас. Корхона ҳам ўз вазифасини бажариши лозим. Талаба ҳали мутахассис эмас, у ўрганиш учун келади. Агар ундан фақат ишчи сифатида фойдаланилса, мураббийлик ва ўргатиш бўлмаса, дуал таълимнинг асосий мақсади амалга ошмайди. Ёшларга касб сирларини ўргатиш, хатосини тушунтириш ва босқичма-босқич мустақил ишлашга тайёрлаш лозим.

Яна бир масала — ўқиш ва иш жадвалининг мувозанати. Талаба корхонадаги вазифалар сабабли дарслардан ортда қолмаслиги, аксинча, ўқишдаги юклама ҳам унинг амалий фаолиятига халал бермаслиги керак. Бу борада ОТМ ва иш берувчи ўртасидаги ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Акс ҳолда яхши мақсадда жорий этилаётган тизимнинг ўзи талаба учун қўшимча босимга айланиши мумкин.

Икки йил ишлаб бериш шарти ҳам ёшлар учун жиддий танловни англатади. Талаба шартномага имзо қўйишдан олдин қайси корхонада, қандай вазифада ва қандай шароитда ишлашини аниқ билиши керак. Чунки бу унинг келгуси меҳнат фаолиятига таъсир қиладиган мажбуриятдир. Кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш учун тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошиданоқ очиқ белгиланиши муҳим.

Шу билан бирга, дуал таълимнинг имконияти ҳам катта. Ёшлар диплом олгунига қадар тажриба орттиради, меҳнат муҳитини кўради ва ўз касбига қанчалик мослигини англайди. Корхона эса ўзига керакли кадрни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этади. Олий таълим муассасаси учун эса таълим мазмунини амалиёт ва меҳнат бозори эҳтиёжлари билан яқинлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Демак, энди талаба учун “ўқишни тугатгунимча қандай мутахассис бўлиб етишаман?” деган савол ҳам муҳим бўлади. Чунки аудиторияда олинган билимни иш жойида синаб кўриш, ўз устида ишлаш ва масъулиятни эрта ҳис қилиш ёшларнинг келажакдаги касбий йўлини анча аниқроқ белгилаши мумкин.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Болаликдаги қизиқиш қўшимча даромад манбаига айланди

Баъзан инсоннинг келажакдаги касби ёки даромад манбаи болаликдаги оддийгина қизиқишдан бошланади. Шомурод Ҳайдаровнинг қушларга меҳр қўйиши ҳам шундай бошланган.



Акбар МАҲМУДОВ,
Ғузор туманидаги “Наврўз” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ҳали ўн ёшга тўлганида отаси икки дона “канарейка” совға қилади. Қушларнинг сайраши, уларни парвариш қилиш, ем бериб, ҳолидан хабар олиб туриш Шомурод учун оддий машғулот эмас, кундалик ҳаётининг қизиқарли қисмига айланди. Вақт ўтган сайин болаликдаги ҳавас жиддий қизиқишга, қизиқиш эса ўз ишини йўлга қўйиш истагига айланди.

Бугун маҳалламизда аҳолининг даромадини оширишга интилаётган, ўз қобилияти ва имкониятидан фойдаланиб меҳнат қилаётганлар кўп. Шомурод ҳам ана шундай ёшлар қаторидан жой олди. Аввал уй шароитида бир нечта қушни асраб келган бўлса, кейинчалик сайроқи ва безак турларни кўпайтиришга киришди. Маҳалладошларнинг ранг-баранг, чиройли қушларга бўлган қизиқиши ва харид истаги эса унга бу ишни кичик бизнесга айлантириш мумкинлигини кўрсатди.

Ҳозир унинг хонадонида қушларнинг ўндан ортиқ тури парвариш қилиняпти, уларнинг жами сони 300 бошдан ошган. Улар орасида тўлқинсимон тўтиқушлар, амадиналар, кареллалар каби турлар бор. Ҳар бирининг ўзига хос парвариши, озиқланиши ва кўпайиш шароити мавжуд. Шомурод эса бу ишга вақт, эътибор ва масъулият талаб қиладиган юмуш сифатида қарайди.

Даромад масаласида ҳам бу машғулотнинг имконияти кам эмас. Қушларнинг айримлари 40-50 минг сўм атрофида бўлса, айрим қимматбаҳо турларининг нархи 100 минг сўмдан ошади. Ўртача 70 минг сўмдан ҳисоблаганда, бир ойда юздан ортиқ қуш сотилиши 7 миллион сўмдан кам бўлмаган тушум шаклланишига хизмат қилади. Қолаверса, айрим турларнинг кўпайиши ҳам нисбатан тез. Шароитига қараб, қушлар тухум қўйиб, жўжа очириб, уни парваришлаб сотувга тайёрлаш жараёнини тахминан 50 кун атрофида давом эттиради.

Шомурод бир йўналиш билан чекланиб қолмади. Қушларни кўпайтириш тажрибаси ортгани сари янги имкониятларни ҳам излай бошлади. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда 21 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, “инкубатор” харид қилишида кўмаклашдик. Эндиликда у ойига юздан ортиқ жўжа очириб, парваришлаган ҳолда бозорга чиқаради. Бу фаолиятнинг ўзи ҳам ойига 2 миллион сўмдан ортиқ қўшимча даромад келтирмоқда.

Энг қувонарлиси, Шомуроднинг фаолияти фақат унинг хонадони даромадини ошириш билангина чекланмаяпти. Унинг меҳнатига ҳавас қилган маҳалладошлар орасида қуш боқиш ва уларни сотиш орқали даромад топишга қизиқаётганлар кўпайган. Кеча шунчаки томоша қилиб, сайрашидан завқ олган қушлар бугун айрим хонадонлар учун қўшимча даромад манбаига айланмоқда.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“Кундалик муаммога “ихтирочилар хонаси”да замонавий ечим топяпмиз”

Янги иш бошлаган кунларимни эсласам, очиғи, бироз чўчигандим. Бутун бошли маҳалланинг ичига кириб бориш, хонадонма-хонадон юриб, одамлар билан тил топишиш, кўчалар ва инфратузилмадаги муаммоларни ўрганиш осон кечмади.



Музаффар ХОЛИҚОВ,
Жиззах шаҳридаги Бобур номидаги маҳалла ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Айниқса, суҳбатлар давомида дастлаб ким чин дилдан тадбиркорлик қилмоқчи-ю, ким шунчаки имтиёзли кредит олиб, пулни бошқа нарсага ишлатиб юбормоқчи эканини ажратиш анча қийин бўлди. Аммо вақт ўтиши билан тажриба ортди, ҳамма нарса ўз измига тушди.

Бугун ҳудудда 80 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти ва 3 та саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Маҳалладошларимизнинг ҳаракатчанлигидан фахрланаман. Уйда ўтириб, тикувчилик қилаётганлар, энагалик билан даромад топаётганлар жуда кўп. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини буюртма асосида етказиб берувчилар ҳам маҳалламиз иқтисодиётига ҳисса қўшмоқда. “Драйвер”имиз — хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик.

Бироқ, тўхтаб қолмасдан, янги имкониятларни қидиряпмиз. Масалан, кўп қаватли уйларда яшайдиган ёки ҳовлисида кичик иссиқхонаси йўқ оилаларда ҳам йил бўйи янги узилган кўкат ва сабзавотларга эҳтиёж бўлади. Буни ҳал қилиш учун бир ташаббусни бошладик. Рўзғорда топиладиган 5-10 литрлик оддий елим идишларда кўкат етиштириш лойиҳасини йўлга қўйдик. Бунинг учун агроном ва мутахассисларни чақириб, аҳолига тупроқни тайёрлаш, суғориш ва ўғитлаш сирларини ўргатяпмиз. Энг муҳими — бунинг учун катта маблағ ёки банкдан кредит олиш шарт эмас, ҳамма нарса оддий ва тежамкор.

Яна бир лойиҳамиз — “Маҳалла ихтирочилар хонаси”. Ўзим аниқ фанларга, физика ва математикага қизиққаним учун иқтидорли, янгиликка ўч болаларини бир жойга йиғишни мақсад қилдим. Ҳозир улар билан шаҳримиздаги кундалик муаммоларни ўрганиб, уларга замонавий ечимлар ўйлаб топиш устида ишлаяпмиз.

Эҳтиёжманд оилаларни оёққа турғизиш — энг асосий вазифамиз. Маҳалладошимиз Гулзода Холтошованинг вазияти мени кўп ўйлантирарди. Оилада ногиронлиги бўлган фарзанди ва парваришга муҳтож онаси бўлгани учун кўчага чиқиб ишлай олмасди. Биз унга 10 миллион сўм маблағ ажратилишига кўмаклашдик. Хонадонида аёллар сартарошхонасини очиб, оиласини бекаму кўст боқяпти. Бундай натижаларни кўрганда, чарчоқларим чиқиб кетади.

Албатта, ҳамма ерда бўлгани каби, бизда ҳам ҳалигача “боқимандалик” кайфиятида юрган фуқаролар йўқ эмас. Биз уларнинг ҳам дунёқарашини ўзгартиришга ҳаракат қиляпмиз. Чунки инсон биринчи навбатда ўзига ўзи ёрдам беришни истамас экан, ҳеч қандай ташқи кўмак ҳаётини яхшилай олмайди. Ҳамма гап — ҳаракат ва интилишда!

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

Қишлоқда яшаб, ердан фойдаланмаслик — уят!

Ўзбекистон туманидаги “Бўстон” маҳалласида яшовчи оилалар бугун тайёр иш ўрни кутиб ўтиришгани йўқ. Ўз уйларида, йиллар давомида шунчаки бўш ётган бир неча сотихлик томорқаларида ҳақиқий даромад манбаини яратишмоқда.



Шоҳсанам НАЖМИДДИНОВА,
журналист.

Улар учун қишлоқда яшаб, ердан фойдаланмаслик, рўзғор учун зарур маҳсулотларни бозордан сотиб олиш — уят. Шунгами, томорқанинг ҳар бир қаричини хазинага айлантириш, оилавий бюджетни ўз меҳнати билан мустаҳкамлаш кундалик турмуш тарзига айланиб улгурган.

— Маҳалладошлар орасида ер билан тиллашиш ҳадисини олган Элёрбек Қосимов катта майдонга эмас, балки аниқ ҳисоб-китоб ва тўғри парваришга таяниб иш кўрди, ***— дейди маҳалла раиси Нозимжон Қосимов.*** *— Томорқасининг атиги 2,5 сотих қисмида ихчам иссиқхона барпо этди. Бу ерда у серҳосил навли лимон етиштиришни йўлга қўйди. Бор-йўғи 22 туп дарахтдан йилига 900 килограмм ҳосил олинмоқда. Аммо шу ҳам оила камини тўлдиришга етяпти. Йил бўйи барқарор даромад билан таъминлай оляпти.*

Солижон Қурбонов эса самарали йўл — паррандачилик орқали рўзғорига барака киритяпти. Мазкур йўналишдаги фаолияти оддий ҳавасдан бошланиб, тизимли бизнесга айланди.

Ўтган йили ўз маблағи ҳисобига 100 та товуқ сотиб олиб, дастлабки тажрибани бошлаган эди. Ишни кенгайтириш ва даромадни каррасига ошириш истагида бўлган оилани ҳоким ёрдамчиси қўллаб-қувватлади. Унинг тавсияси билан хонадонга 10 миллион сўм имтиёзли банк кредити ажратилди. Бу маблағ эвазига яна 250 та товуқ сотиб олди ва уларнинг умумий сони 350 тага етди. Эндиликда хонадонда кунига 250-300 донагача тухум олиниб, ҳар бири ўртача 1 200 сўмдан сотилмоқда. Бу — ҳар куни оила бюджетига нақд пул ва соф фойда кириб келяпти, деганидир.

Ушбу икки ҳаётий мисол шуни кўрсатадики, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг тўғри йўли — одамларга меҳнат қилиш ва даромад топиш учун шароит яратиб беришдир. “Маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида ҳоким ёрдамчилари айнан мана шундай тиришқоқ хонадонларни излаб топиб, уларга кўмаклашаётгани ўз самарасини бермоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, томорқадан унумли фойдаланиш ва уй хўжалигини юритиш — оилавий мустақиллик ҳамда фаровонликнинг ишончли пойдеворидир. “Бўстон”лик омилкорларнинг тажрибаси ердан ва имкониятдан тўғри фойдаланишни истаган ҳар бир юртдошимиз учун намунадир.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИДА ногиронлиги бўлган шахсларни спортга кенг жалб этиш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилинди.



2026 йилнинг тўққиз ойида ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАСИ ТИЗИМИ орқали 235 минг 201 нафар фуқарога жами 1,43 триллион сўм нафақа тўлаб берилди.



Рустам Қосимжонов, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Шамсиддин Воҳидов, Нодирбек Ёқуббоев НЕМИС КЛУБЛАРИ САФИДА ДОНА СУРАДИ.

ОИЛА ДЕВОРИДАГИ КЎРИНМАС ЁРИҚЛАР...

Оила бузилиши ҳақида гап кетганда, кўпинча сабабни катта кўнгилсизликдан излаймиз. Қаттиқ жанжал, хиёнат, иқтисодий муаммо ёки қайнона-келин ўртасидаги келишмовчилик. Аслида эса муносабатлар кўп ҳолларда бир кунда салбий томонга ўзгариб қолмайди. Катта узилишдан олдин узоқ вақт давомида кўзга ташланмайдиган майда ёриқлар пайдо бўлади.



Инсонни севиш билан уни ўзгартиришга уриниш ўртасида катта фарқ бор. “Сен нега бундайсан?”, “Шундай қилишни қачон ўрганасан?”, “Бошқаларнинг эри ёки хотини бундай эмас” каби гаплар бир марта айтилса, эҳтимол, жиддий аҳамият касб этмас. Аммо улар муносабатнинг доимий қисмига айланса, киши ўзини жуфти қабул қилмаётгандек ҳис қила бошлайди.

Доимий танқиднинг энг хавфли томони шундаки, у муаммони ҳал қилишдан кўра, шахснинг ўзига қаратилган баҳога айланади. “Бу ишинг нотўғри”, деган гап билан “сен доим нотўғри иш қиласан”, қабилидаги гапнинг таъсири бир хил эмас. Биринчи ҳолатда ҳаракат муҳокама қилинади. Иккинчисида эса инсоннинг шахси рад этилади. Натижада жуфтлик ўртасида очиқ мулоқот эмас, ўзини ҳимоя қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ишонч эса айнан шундай муҳитда секин-аста емирилади.

Оилада ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндошлар билан муносабат муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, миллий қадриятларимизда катталар маслаҳати муҳим ўрин тутади. Қариндошнинг фикрини эшитиш — бир масала. Эр-хотиннинг ҳар бир қарорини ташқи таъсир билан қабул қилиши — бошқа масала.

Агар оиладаги ҳар бир низо, ҳар бир молиявий масала, фарзанд тарбияси ёки шахсий қарор учинчи шахснинг баҳосига боғланиб қолса, эр-хотин ўртасида мустақил мулоқот сусаяди. Вақти келиб эр ёки хотин ўз жуфтига эмас, ташқи муҳитга ҳисоб бера бошлайди.

Ота-онани ҳурмат қилиш ва янги оиланинг чегарасини белгилаш бир-бирига зид тушунчалар эмас. Аксинча, соғлом чегаралар катталар билан муносабатни ҳам барқарор сақлашга хизмат қилади.

Бугун технология ёрдамида бутун дунё билан мулоқот қила оламиз, аммо баъзан ёнимиздаги ёримиз билан гаплашишга вақт ажратяпмизми? Бир хонада ўтирган икки инсоннинг ҳар бири алоҳида виртуал дунёда яшаши мумкин. Аммо муносабатлар мулоқотсиз яшай олмайди. Суҳбатдошининг кўзига қараш, уни бўлмасдан тинглаш, кайфиятини пайқаш, айтмаган гапини ҳам тушуниш — яқинликни шакллантирадиган омиллар. Телефон эса бу жараённи сезилмас тарзда бўлиб қўйиши мумкин. Энг муҳими, бу ерда гап **инсон нимани биринчи ўринга қўяётганида.**

Агар жуфтингиз гапираётганда экран ҳар сафар ундан муҳимроқ бўлиб қолса, вақт ўтиб, бу техник одат эмас, “сенинг гапинг мен учун унчалик муҳим эмас”, деган ҳиссий қўнғироққа айланади.

Оиладаги энг оғриқли хатолардан бири — жуфтликнинг бир-бирини бошқалар олдида танқид қилишидир. Бу ҳолат “ҳазил” ниқоби остида содир бўлса, унинг зарари сезилмаслиги мумкин. Аммо ҳиссиётлар доим ҳам бир хил бўлавермайди.

Инсон “мени ҳимоя қилиши керак бўлган одамнинг ўзи бошқалар олдида қадрсизлантирди”, деган туйғуни ҳам қабул қилиши мумкин. Бу эса муносабатдаги энг муҳим эҳтиёжлардан бири — хавфсизлик ҳиссига таъсир қилади. Шунинг учун оилавий муаммони омма олдида ҳал қилишга уриниш кўпинча ўзидан катта жароҳат қолдиради.

ИШОНЧ КЎПРИГИ

Келишмовчиликни оилавий ҳаётдан бутунлай чиқариб ташлаб бўлмайди. Икки инсоннинг фикри, эҳтиёжи ва феъл-атвори турлича экан, зиддият юзага келиши табиий. Жанжал вақтида ҳақорат қилиш, таҳдид солиш, камситиш, эски хатоларни қайта-қайта ёдга олиш ёки инсоннинг энг нозик нуқталаридан атайлаб фойдаланиш муаммони муҳокама қилиш эмас, шахсга қарши курашишдир.

Бундай вазиятда шахс ўзини ҳимоя қилишга ўтади. Натижада икки томон ҳам “мен ҳақман” деган нуқтада қолиб кетади.

Баъзан муносабатни сақлаб қолиш учун катта ваъда эмас, кичик одатларни ўзгартириш кифоя. Суҳбат пайтида телефонни четга қўйиш, бошқалар олдида жуфтингизни ҳимоя қилиш, айбловлар ўрнига ўз ҳиссиётингизни тушунтириш, оилавий қарорларни, аввало, икки киши муҳокама қилишдан иборат.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти маълумотлари асосида тайёрланди.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Манзилли фаолиятнинг ҳақиқий натижаси ҳеч қачон осон бўлмаган



Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлашда муаммони умумий рақамлар ортидан излаш самара бермайди. Унинг манзили ва сабабини аниқ билиш муҳим. Шу маънода ўтказилган хатлов биз учун оддий рўйхат тузиш жараёни бўлмади. Аксинча, ҳар бир хонадонга кириб, кўзга ташланмай келаётган масалаларни аниқлаш, уларни вақтида бартараф этиш ва аёлларга манзилли кўмак кўрсатиш имконини берди.

Қимматхон ТУРҒУНОВА, Наманган туманидаги “Бозорбоши” ва “Тепақўрғон” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Хотин-қизлар балансини шакллантириш жараёнида улар ҳолатига қараб **“қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга** ажратилди. Ажрашиш ёқасида турган, алимент ундириш билан боғлиқ муаммога дуч келаётган, профилактик рўйхатга киритилган хотин-қизлар алоҳида назоратга олинди. Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга манзилли ёндашяпмиз.

Масалан, “Бозорбоши” маҳалласида ажрашиш ёқасида турган 6 та оила аниқланиб, уларнинг 4 тасини яраштиришга эришдик. “Тепақўрғон”да эса 8 та шундай оиладан 6 таси муроса йўлини танлашига кўмак кўрсатилди. Энг қувонарлиси, жорий йилда умуман ажрашиш қайд этилмади.

12 нафар хотин-қиз ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда касб-ҳунарга йўналтирилди. Улар учун уй ҳамширалиги, карвинг, замонавий парда тикиш каби бозорда талаб юқори бўлган йўналишлар танланди. Машғулотлар маҳалланинг ўзидаги касб-ҳунар коллежида ташкил этилгани ҳам аҳоли учун қатор қулайликлар яратмоқда. Курсларнинг йўналишга қараб 1 ойдан 3 ойгача давом этиши эса хотин-қизларнинг вақтини тежашга хизмат қиляпти. Касб эгаллаш фақат билим олиш учун хизмат қилиб қолмай, шу орқали аёллар мустақил иш бошлаб, бошқалар учун ҳам даромад манбаини юзага келтиряпти.


Масалан, “Аёллар дафтари”га киритилган Ёқутхон Муродова сартарошлик касбини эгаллади. Уч ойлик ўқишдан сўнг у ўз хонадонида хизмат кўрсата бошлади. Кейинчалик маҳалла гузаридаги бўш хонада фаолиятини кенгайтирди. Унга 22 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бугун эса у нафақат ўзи меҳнат қиляпти, балки яна икки нафар хотин-қиз учун иш ўрни яратган.

Дилором Юсупованинг тажрибаси ҳам эътиборга молик. Аёл имтиёзли кредит асосида пиширқчиликни йўлга қўйиб, хонадонидаги бўш хонадан унумли фойдаланмоқда. Айни пайтда 10 дан ортиқ турдаги пиширқ тайёрланмоқда ва бу орқали 3 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган.

Шунингдек, боқувчисини йўқотган 20 нафар хотин-қизга алоҳида режа асосида кўмак кўрсатиляпти. Ижтимоий реестрда турган аёлларнинг фарзандларини бепул курсларга жалб қилиш, улар учун имтиёзли боғча хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш бўйича ишлар олиб борилди.

Бугун “қизил” тоифадаги аёлни “яшил” тоифага ўтказиш, ишсиз фуқаронни касбга йўналтириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонни мустақил даромад манбаига эга қилиш — манзилли фаолиятнинг ҳақиқий натижасидир. Зеро, **муаммони санаш осон, уни ҳал қилиш эса меҳнат талаб қилади.**

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ



“Бир ёрдам — бир муаммонинг ечими”, деган қараш етарли эмас!

Ижтимоий ходим сифатида фаолият юритар эканман, бир ҳақиқатни тобора чуқурроқ англаб боряпман. Одамларга ёрдам бериш учун, аввало, уларни тинглаш, муаммосини ҳис қилиш керак экан. Чунки ҳар бир хонадоннинг ўз дарди, ҳар бир инсоннинг ўз эҳтиёжи бор. Шу боис ижтимоий хизматда умумий ёндашув эмас, манзилли ва индивидуал кўмак муҳим.

Ҳидоят РАҲМАТОВА, Ромитан туманидаги “Боғи Сайдон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Айни вақтда маҳалламизда 3 800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 80 нафари ногиронлиги бўлган шахс. 31 та оила Ижтимоий реестрга киритилган. Бу рақамлар ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Шунинг учун кунлик ишимни хонадонларни ўрганишдан бошлайман. Кимга тиббий ёрдам керак, кимга реабилитация воситаси, ким ишлаш истагида, аммо имконият тополмаяпти — ана шу саволларга жавоб излайман. Зарур ҳолларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, муаммонинг амалий ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

Жумладан, саъй-ҳаракатлар натижасида 10 нафар муҳтож шахсга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитациянинг техник воситалари олиб берилди. Бундай маҳсулотлар оддий буюмдек кўриниши мумкин. Аммо уни кутиб яшаган инсон учун бу — эркин ҳаракатланиш, ўзини ўзи парваришлаш, кундалик ҳаётга қайта мослашиш имкониятини беради.

Шундай оилалар борки, улар билан ишлаш жараёнида “бир ёрдам — бир муаммонинг ечими”, деган қарашнинг ўзи етарли эмаслигини англайсиз. Муаммонинг илдизига етиб бориш, оиланинг бугунги ҳолати билан бирга эртанги кунини ҳам ўйлаш зарур.

Ҳудудимизда истиқомат қилувчи Муҳаббат Баҳронованинг оиласи билан ишлаш жараёни ҳам шундай бўлди. Уч нафар фарзандни тарбиялаётган бу оила ижтимоий кўмакка муҳтож хонадон сифатида ўрганилди. Аввало, уларнинг яшаш шароитига эътибор қаратдик. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан уй-жойини таъмирлаш учун моддий ёрдам ажратилди. Бу кўмак хонадондаги шароитни яхшилаш, фарзандлар учун муносиб муҳит яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, Муҳаббат Баҳроновага бола нафақаси тайинланди, табиий газ ва электр энергияси тўловлари учун компенсация ажратилди. Булар оиланинг кундалик харажатларини енгиллаштириб, мавжуд маблағни фарзандларнинг бошқа эҳтиёжларига йўналтириш имконини берди.

Мен учун бу оила мисолидаги энг қувонарли жиҳатлардан бири — фарзандларнинг таълими. Муҳаббат Баҳронованинг икки нафар фарзанди олий таълим муассасасида таҳсил олмоқда. Уларнинг шартнома пулининг бир қисми реферал хизмат асосида, ёшлар етакчисининг кўмаги билан тўлаб берилди.

Назаримда, ижтимоий ҳимоянинг энг катта самараси ҳам шунда — инсонни фақат бугунги қийинчилигидан олиб чиқиш эмас, балки унинг эртанги кунига йўл очиш. Бугун берилган ёрдам оиланинг эҳтиёжини қоплаши мумкин, аммо фарзандининг таълим олиши, касб эгаллаши ва мустақил ҳаётга қадам қўйиши бутун оиланинг келажагини ўзгартиради.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Қалбда умид уйғотган — “Янги кун”

Ҳудудларда руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати ташкил этилмоқда.



Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 21 майдаги “Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат муассасаларини такомиллаштириш ва янги ижтимоий хизматларни ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида йўлга қўйилган мазкур хизмат ногиронлиги бўлган шахсларга кундузги вақтда қараб туриш ва парваришлаш, ижтимоийлашувига кўмаклашиш ҳамда реабилитация тадбирларини амалга оширишга қаратилган.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида ташкил этилган мазкур хизматга 12 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қиз жалб этилган.

— Қизим Дилфуза Бектоева 27 ёшда. Бу ерга келиб, ҳар куни битта янги нарса ўрганяпти, тикишни, овқат қилишни, расм чизишни. Уйда фақат телевизор кўриб ўтирарди. Ҳозир дугоналар орттириб, улар билан мазмунли вақт ўтказяпти. Бундан миннатдорман, — дейди Зубайда Исмоилова.

Дарҳақиқат, “Янги кун” номининг ўзида ҳам катта маъно мужассам. Бу ерга келаётган ҳар бир инсон учун янги кун, янги имконият, янги мулоқот ва янги кўникмалар сари қадамдир.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Жорий йилнинг ўтган 9 ойида мамлакатимиздаги 4 380 ТА МАҲАЛЛАДА жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.



УЧКЎПРИК ТУМАНИДАГИ “БОҒИБЎСТОН” МАҲАЛЛАСИДА киберхавфсизликка бағишланган профилактик ўрганиш ишлари олиб борилди.



ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ “ОҚТОШ” МАҲАЛЛАСИДА ташкил этилган сайёр қабулда 10 нафар фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал этилди.

Mahalla №82 2026 ЙИЛ 10 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

Технологиялар қанчалик ривожланмасин, энг кучли қурол — аҳоли билан ўрнатилган ишончли муносабат ва жамоатчилик назоратидир

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ОГОҲЛИК ГУРУҲЛАРИ” ОДАМЛАР ОРАСИДА ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИГА АЙЛАНЯПТИ

Маҳаллада яшовчи кекса ёшли фуқаро кутилмаган хабардан саросимага тушиб қолди. Гап шундаки, унинг номига катта миқдорда банк кредити расмийлаштирилган эди. Ваҳоланки, жабрланувчи ҳеч қайси банкка бормаган, ҳеч қандай ҳужжатга имзо чекмаган...

Темур РАҲИМБЕРГАНОВ,
Тупроққалъа туманидаги “Шайхлар” маҳалласи профилактика инспектори.



Ҳўш, у қандай қилиб фирибгарлар тузоғига тушди? Вазиятни чуқурроқ ўрганганимизда, онахон ўзи сезмаган ҳолда телефонига келган шубҳали ҳавола устига босиб юборгани маълум бўлди. Замон оқимидан бироз орқада қолган инсон шу тариқа кибержиноятчиларнинг осон ўлжасига айланган.

Бугунги кунда жиноятчилик тушунчаси фақат ўғрилик ёки маҳалладаги оддий тартиббузарликлар билан чекланиб қолмаяпти. Аҳолининг ҳушёрликни йўқотиши ва замонавий технологиялардан етарлича хабардор эмаслиги янги турдаги жиноятларнинг илдиз отишига замин яратмоқда. Шу сабабли, ушбу иллатларга қарши курашишда рақамли технологиялардан унумли фойдаланишдан ташқари, аҳоли билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳаётий заруратдир.

Бу борада, аввало, замонавий рақамли имкониятларни кенг қўллаяпмиз. Жумладан, ҳудуддаги кириш-чиқиш йўллари, гавжум кўчалар ва тунги пайтда хавфли ҳисобланган нуқталарга юзни танувчи (Face-ID) видеокузатув мосламалари ўрнатиляпти. Бу ўғрилик, безорилик ва ўзганинг мол-мулкига шикаст етказиш каби жиноятларни тезкор фош этиш ҳамда барвақт олдини олиш имконини беряпти. Шунингдек, хизмат планшетимиз тўғридан-тўғри ягона марказлашган базага уланган боис, шубҳали шахслар ёки қидирувда бўлган транспорт воситаларини жойининг ўзида, сониялар ичида текшириш имкониятига эгамиз.

Бироқ, технологиялар қанчалик ривожланмасин, энг кучли қурол — аҳоли билан ўрнатилган ишончли муносабат ва жамоатчилик назоратидир. Шу боис, асосий урғуни тарғибот-ташвиқот ишларига қаратяпмиз. “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизими орқали ўртадаги масофани қисқартирдик.

Бу ёндашув ўз самарасини беряпти. Маҳалла фаоллари ва кўнгилли ёшлар иштирокида “Telegram” тармоғида махсус “Огоҳлик гуруҳлари”ни ташкил этдик. Улар кўчалардаги шубҳали шахслар, ноқонуний хатти-ҳаракатлар ёки хавфли вазиятлар ҳақида бизга зудлик билан тезкор хабар йўллашяпти. Хонадонларга кириб бориш эса нафақат жиноятчиликни, балки оилавий муносабатлардаги нотинчликлар, маиший муаммоларни эрта аниқлаб, катта фожиага айланиб кетишига тўсиқ бўляпти.

Айниқса, жараёнга илмий ёндашилгани ютуқларимиз асосидир. Чуқур таҳлиллар ва рақамлар асосида маҳалланинг “криминоген харитаси”ни яратиб, қайси турдаги жиноятга қарши қандай курашиш лозимлигини аниқ белгилаб оляпмиз. Натижада, ҳудуддаги умумий манзара кўз олдимизда ойнадек равшан акс этиб турибди.

Аслида, осойишталик — фақатгина ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас, балки шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг виждон ишидир. Қайси маҳаллада жиноятчиликка қарши ҳамма бир ёқадан бош чиқариб курашса, одамлар онгида ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз кайфият шаклланса, ўша ҳудудда ҳақиқий осойишталик қарор топади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Фуқаролар ўз меҳнати билан рўзғорини тебратиб, фарзандлари эҳтиёжини қондира олса, маҳалладаги кўплаб масалалар ўз-ўзидан изига тушади. Солиқ тўловлари ҳам ўз вақтида амалга ошади, одамлар давлат ва жамият олдидаги масъулиятини бошқача ҳис қилади. Шу сабабли бугун маҳалладаги “еттилик” билан бирга эътиборимизни, аввало, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишга қаратганмиз.

Бўш турган бино бандлик имконини берди

Шермат РАЖАБОВ,
Янгибозор туманидаги “Қадрият”, “Қиёт”, “Шоирлар”, “Чўболончи” ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

Ҳар сафар кўчаларни кезиб, одамлар хонадонини айланар эканман, Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллада икки-уч йил давомида фойдаланилмаётган бир бино кўзимга ташланаверарди. Ҳар сафар ичимдан: “Шу жойнинг ўзидан бирор имконият яратиб, одамларни иш билан таъминлашнинг иложи йўқмикан”, деган ўй ўтарди. Чунки маҳаллада тадбиркорлик қилиш истагида бўлган, лекин фаолиятини қаердан бошлашни билмаётган фуқаролар бор эди. Ишни шу икки имкониятни бир нуқтада бирлаштиришдан бошладик.

Фаоллар билан бирга тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқаролар билан суҳбатлашдик. Мақсад шунчаки бинони ижарага бериш эмас, балки ундан маҳалла аҳолиси учун ҳам фойдали бўладиган йўналишларни ташкил этиш эди. Натижада бу ерда бир неча турда хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ана шу жараёнда Азамат Эшчоновнинг ташаббуси алоҳида ўрин тутди. У автомобилларга хизмат кўрсатиш истагини билдирди. Бунинг учун, аввало, мос жой масаласини ҳал қилиш керак эди. Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда унга мавжуд имкониятларни тушунтирдик. Бинони аукцион орқали ижарага олиш тартиби, фаолиятни қонуний расмийлаштириш, солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича зарур маълумотларни бердик. Шундан сўнг у белгиланган тартибда бинони ижарага олиб, автомобиль ювиш шохобчасини ташкил этди.



Тадбиркорда солиқ ҳисоботи, тўловлар, ишни қонуний юритиш билан боғлиқ саволлар пайдо бўлди. Унга ўз мажбуриятларини тўғри бажариш йўлини тушунтиришни муҳим, деб билдим ва солиқларни ўз вақтида тўлаш ва ҳисоб-китобларни тартибли юритиш бўйича амалий кўмак кўрсатдим.

Бугун бу жойнинг қиёфаси бутунлай ўзгарган. Аввал бўш турган бино энди аҳолига хизмат кўрсатаётган фаол нуқтага айланган. Шу ҳудуднинг ўзида автомобиль ювиш шохобчаси, тез тайёрланадиган овқатланиш жойлари, тозаланган ичимлик сув хизмати, гўшт ва озиқ-овқат дўконлари ҳам фаолият юритмоқда. Айрим шохобчалар 24 соат давомида ишлайди.

Бундай ишларнинг натижаси ўлароқ, энди янги манзилда оилалар учун даромад манбаи пайдо бўлди, аҳолига керакли хизматлар маҳалланинг ўзида йўлга қўйилди. Энг муҳими, кеча фойдаланилмай турган бино бугун иқтисодий ҳаракатдаги масканга айланди.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ ИЛЛАТЛАРГА ИЛГАРИРОҚ БАРҲАМ БЕРЯПТИ

Ватанни қўриқлаш, аввало, ҳар бир кўча, хонадон ҳамда фуқаронинг тинчлигини таъминлашдан бошланади. Зеро, осойишталик – юртимиз фаровонлиги, тараққиёти, порлоқ келажагининг бош гаровидир.

Муродбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Қораўзак туманидаги “Есимўзак” маҳалласи профилактика инспектори, майор.

Хизмат фаолиятимни 2006 йилнинг сентябрь ойида бошлаганман. Тўплаган тажрибам ва соҳага қизиқишим сабаб, 2010 йилнинг январь ойидан буён профилактика инспектори лавозимида ишлаб келмоқдаман. Ўтган йиллар давомида турли маҳалла ва овулларда аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб яшадим. Тезкор ходимлар ва бошқа соҳавий хизматлар билан яқин ҳамкорликда бир қанча жиноятларни, жумладан, ўғрилик ва фирибгарлик каби оғир жиноят турларини тезкор очишга муваффақ бўлдик.



Касбий шаклланишимда, шубҳасиз, устозларимнинг ўрни беқиёс. Улар менга ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш сир-асрорларини эринмай ўргатишди. Бугунги кунда мен ҳам ушбу анъанани давом эттирган ҳолда, тизимга янги кириб келаётган ёш ходимларга мураббийлик қилиб, касб машаққатларини енгиб ўтишда яқиндан кўмаклашяпман.

Ҳозирги кунда маҳалламизда 3 894 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида тизимли профилактик тадбирларни изчил амалга ошириб келяпмиз. Айниқса, муқаддам судланганлар, узоқ муддатли миграциядан қайтганлар ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан алоҳида, манзилли ва якка тартибда иш олиб боришга асосий эътиборни қаратганмиз.

Албатта, ҳеч бир ходим мукофот ёки мақтов учун вазифа бажармайди. Бироқ машаққатли меҳнатинг муносиб рағбатлантирилса, қалбингга ўзгача куч-ғайрат инаркан. Президентимиз фармонига мувофиқ, “Шуҳрат” медали билан мукофотланганимда мана шундай юксак бахт ва фахрни қалбдан ҳис этдим. Бу юксак эътибор мени янги марралар сари ундаб, ўз устимда янада кўпроқ ишлаш масъулиятини юклади.

Бугунги кунда фаолиятимизда “Илмий хулоса – тавсия – натижа” тамойили асосида криминоген вазиятни тўлиқ назоратга олганмиз. Хусусан, илмий ёндашув асосида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ўз вақтида аниқланиб, уларнинг барвақт олди олиняпти. Жараёнда жиноят содир этилишига замин яратаётган шарт-шароитлар, сабаб ва омиллар, шунингдек, мавжуд ижтимоий-маиший муаммолар атрофлича таҳлил қилинмоқда.

Ўрганиш якунларига кўра, маҳалланинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда аҳоли гавжум масканларда назорат тадбирларини сезиларли даражада кучайтирдик. Муҳими, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил татбиқ этиляпти.

РАҚАМЛАР ОРТИДАН ҚУВИШ ҲАР ДОИМ КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРМАЙДИ

МУЛОҲАЗА

Бугун жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг осойишта ҳаёт кечириши учун шароит яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ички ишлар вазирлигининг ташаббуси билан ҳудудларда криминоген вазият ўрганиб борилмоқда.



Мансур БАЙИШАНОВ,
Ички ишлар вазирлиги масъул ходими.

Амалга оширилаётган ишлар шунчаки расмий тадбир эмас, балки жиноятчиликнинг илдизига болта уришга қаратилган амалий ҳаракатга айланган. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат ишчи гуруҳи “қизил” тоифага киритилган маҳаллаларда ўрганишлар олиб бормоқда.

Жараёнда “нега айрим ҳудудлар “қизил” тоифага тушиб қолмоқда, жиноят содир этилишига замин яратаётган шарт-шароитлар нималардан иборат?”, деган саволларга жавоб изланди. Юнусобод туманидаги “Буюк Турон” маҳалласи мисолидаги таҳлил бир нечта жиддий хулосаларни кун тартибига чиқаради.

Бу ерда айрим кўчалар ва ички йўлларнинг тунги вақтда қоронғу бўлиши ўғрилик ва безорилик каби мулкий жиноятларга тўғридан-тўғри шароит яратган. Демак, хавфсизлик масаласи фақат ҳуқуқ-тартибот идораларигина эмас, балки маҳаллий ҳокимликлар ва коммунал соҳа мутасаддиларининг ҳам масъулиятидир.

— Биз муаммонинг оқибати билан эмас, унинг сабаби билан курашишни бошладик, — ***дейди маҳалла профилактика инспектори Ҳасан Ниматов.*** *— Шу мақсадда қоронғу ҳудудларга қўшимча ёритиш чироқлари ўрнатилди. Маълумки, мулк хавфсизлиги, биринчи навбатда, мулкдорнинг ўзига боғлиқ. Афсуски, кўп ҳолларда оддий қоидаларга риоя қилмаслик ачинарли оқибатларга олиб келмоқда. Ҳудуддаги 100 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда хонадон эгаларига ишончли қулфлар, ҳимоя воситалари ва товушли хабар бериш тизимларини ўрнатиш бўйича огоҳлантириш берилди. Бу — жамиятда “Менинг мулким – менинг масъулиятим”, деган кўникмани шакллантириш учун зарурий қадамдир.*

Ҳудудда 750 та видеокузатув камераси мавжуд. Бироқ рақамлар ортидан қувиш ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди. Мутахассислар замонавий ускуналар овлоқ жойларни аниқлаши тизим самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлашди. Технология фақатгина мавжуд бўлиши эмас, балки ҳар бир қарич ерни назорат қила оладиган даражада тўғри тақсимланиши шарт.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг замирида маънавий-психологик муаммолар ётади. Маҳалладаги низоли ва нотинч оилаларнинг хатловдан ўтказилиши, уларга “еттилик” ходимлари, имом-хатиблар ва фаоллар иштирокида руҳий ҳамда ижтимоий кўмак кўрсатилиши энг тўғри йўлдир.

ИСТЕЪМОЛЧИ МИНБАРИ

“Терминал” ишламай қолса...

Дўконда харидорлар навбат кутиб турибди. Шу пайт касса аппарати ишламай қолди. Хўш, унда нима қилиш керак?

Агар қурилмада носозлик юзага келса, тадбиркор техник хизмат кўрсатиш марказини хабардор қилиши керак. Техник хизмат кўрсатиш маркази эса бир соат ичида бу ҳақда солиқ органига махсус ахборот тизими орқали маълум қилади.

Касса созлангунча ёки захира аппарат берилгунча савдони давом эттириш мумкин. Аммо бу пайтда мижозга оддий қоғоз ёки қўлбола тилхат эмас, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган махсус квитанция берилиши шарт.

Бу талаб харидор учун ҳам, тадбиркор учун ҳам муҳим. Чунки квитанция харид амалга оширилганини тасдиқлайди. Тадбиркор учун эса бу кассадаги вақтинчалик носозлик сабаб савдони тартибсиз давом эттириб юборишнинг олдини олади.

Касса ишга туширилгандан кейин ҳам иш шу билан тугамайди. Махсус квитанция дафтари асосида амалга оширилган савдолар ҳақидаги маълумотлар бир иш куни ичида онлайн-НКМ ёки виртуал касса тизимига киритилиши лозим.



Одам савдосидан жабрланган шахсларга ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ белгиланди.



Германия Ўзбекистондаги ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР учун 71 миллион евро ажратади.



2026 йил 8 октябрь ҳолатига республика бўйича 1 миллион 858 минг 485 та кўчмас мулк объекти УЙМА-УЙ ЮРИБ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛДИ.

Mahalla

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЧАНГ-ТЎЗОНЛАР ОРТИДАГИ ХАВФ

2026 йил 6 октябрь куни эрталаб Тошкент ҳавоси яна хавотирли кўрсаткичларни қайд этди. “IQAir” мониторингида шаҳар бўйича ҳаво сифати индекси (AQI) 132 ни, айрим кузатув нуқталарида эса 147-159 ни ташкил қилди. Бу ҳаво сезгир гуруҳлар учун зарарли, айрим ҳудудларда эса барча аҳоли саломатлигига хавф туғдириши мумкинлигини англатади.

Моҳичеҳра ЭШМИРЗАЕВА, журналист.



Бу ҳолатлар иссиқхоналар ва саноат корхоналарида экологик назоратни кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Шу мақсадда 2026 йил 1 августдан Тошкент шаҳри ва унга туташ айрим туманларда иссиқхоналарга табиий газ етказиб бериш тўхтатилди. Кўмир, шина, битум ва бошқа зарарли материалларни ёқиш орқали атроф-муҳитга зарар етказганлик учун компенсация тўловлари ҳам 20 баравар оширилди.

Асосий ифлослантирувчи модда “PM2.5” — ўпканинг чуқур қисмларигача етиб бориши мумкин бўлган майда заррачалар. Айрим нуқталарда унинг миқдори бир куб метр ҳавода 59,7-67 микрограммга етди. Бундай ифлосланиш нафас йўллари ва юрак-қон томир тизими билан боғлиқ муаммоларни кучайтириши, айниқса, болалар, кексалар, ҳомиладорлар ҳамда сурункали касалликлари бор инсонлар учун хавф туғдириши мумкин.

Хўш, Тошкент ҳавосини бу даражага нима олиб келяпти? Қандай чоралар кўриляпти ва улар самара беряптими? Энг муҳими, ҳавони ифлослантирувчи барча манбаларга бирдек эътибор қаратиляптими?

МУАММОНИНГ САБАБИ БИТТА ЭМАС

Бу масалани фақат битта манба билан изоҳлаш қийин. Жаҳон банки ва Ўзбекистон Экология вазирлиги ҳамкорлигида тайёрланган тадқиқотда йиллик ўртача “PM2.5” ифлосланишига таъсир қилувчи манбалар сифатида шамол билан кўчадиган чанг — 36 фоиз, биноларни иситиш — 28 фоиз, транспорт — 16 фоиз ва саноат — 13 фоиз, деб баҳоланган. Қолган улуш шаҳар чанги ва чиқиндиларни ёқиш каби манбаларга тўғри келади.

2025 йилда Тошкент шаҳри ва вилоятида текширилган 103 та иссиқхонанинг 70 тасида ностандарт қозонхоналар, 24 тасида эса фильтрлар мавжуд эмаслиги аниқланган. Шунингдек, ўрганилган 209 та саноат объектининг 108 тасида фильтрлар йўқлиги, 29 тасида меъёрдан ортиқ ташламалар кузатилгани қайд этилган.

Бироқ бу чоралардан кейин ҳаво сифати қанчалик яхшиланди? Иссиқхоналарга нисбатан чекловларнинг натижаси қайси кўрсаткичларда акс этди? Бу саволларга аниқ рақамлар асосида жавоб бериш муҳим. Зеро, талабларни кучайтиришнинг ўзи муаммо ҳал бўлганини англатмайди.

“ТОЗА ҲАВО”: ВАЗИФАЛАР БОР, НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ?

2026-2030 йилларга мўлжалланган “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳасида атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни 10,5 фоизга камайтириш, I ва II тоифадаги корхоналарда тўғридан-тўғри назорат ҳамда чанг-газ тозалаш ускуналарини жорий этиш, саноат ташламаларини ушлаб қолиш улушини 32 фоизга етказиш каби вазифалар белгиланган. Шунингдек, “PM2.5” меъёрларидан ошадиган кунлар сонини камайтириш ва транспорт чиқиндиларини 10 фоизга қисқартириш кўзда тутилган.

Экология қўмитаси ҳисоботига кўра, 2026 йил 1 январдан 21 сентябргача Тошкентда “PM2.5”нинг ўртача кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга камайган. Ҳаво сифати яхши бўлган кунлар сони эса 81 кундан 147 кунга кўпайган.

Бу, албатта, эътиборга молик натижа. Аммо ўртача кўрсаткичларнинг яхшиланиши айрим кунларда ҳаво ўта ифлосланишининг олди олинди, дегани эмас. Сентябрь ойидаги юқори “PM10” кўрсаткичлари ва октябрь бошидаги ифлосланиш ҳолатлари муаммо ҳали ҳам долзарб эканини кўрсатмоқда.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

Ҳаво сифати экологик масала бўлиши билан бирга, бевосита жамоат саломатлигига ҳам дахлдор. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Тошкентда “PM2.5” таъсири билан боғлиқ ҳаво ифлосланишининг инсон саломатлиги ва иқтисодиётга йиллик зарари 488,4 миллион долларга, яъни Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 0,7 фоизига тенг бўлиши мумкин.

Тадқиқотда “PM2.5” таъсири билан боғлиқ муддатидан олдинги ўлимларнинг асосий сабаблари қаторида инсульт, юрак-ишемик касаллиги ва қуйи нафас йўллари инфекциялари келтирилган.

Демак, Экология қўмитаси ҳавони нима ифлослантираётганини аниқлаши, тегишли идоралар эса ҳар бир манба бўйича таъсирни камайтириш чораларини кўриши керак. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳаво ифлосланишининг инсон саломатлигига таъсирини кузатиб бориши, олинган натижалар эса экологик сиёсатни такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим.

Чунки “Тоза ҳаво” лойиҳасининг асл мақсади иссиқхоналарни текшириш ёки корхоналарга чеклов қўйиш билан тугамайди. Унинг асосий вазифаси — инсон нафас олаётган ҳавони тозалаш, саломатлигини ҳимоя қилиш ва келажак авлод учун хавфсиз муҳит яратишдир.

НУҚТАИ НАЗАР

Кўча ва хиёбонлар қанчалик обод бўлмасин, энг оддий инсоний эҳтиёж учун шароит топилмаса, шаҳар қулайлиги ҳақидаги тасаввур тўлиқ бўлмайди. Тошкентда 100 та замонавий санитария-гигиена шохобчаси ташкил этилиши режалаштирилаётгани ушбу муҳим масалага жиддий ёндашиш вақти келганини кўрсатади.

Шаҳарнинг оддий, аммо кўз илғамас энг муҳим шарти

Марям АКБАРАЛИЕВА, журналист.

Ҳудуд қиёфаси, одатда, баланд бинолар, кенг кўчалар ва замонавий транспорт билан баҳоланади. Аммо инфратузилманинг яна бир муҳим мезони борки, у кўпинча кўзга ташланмайди. Бу — инсоннинг энг оддий эҳтиёжлари қай даражада ҳисобга олинганидир.

Аҳоли ва сайёҳлар гавжум бўладиган марказий кўчалар, истироҳат боғлари, бозорлар ва транспорт бекатларида жамоат ҳожатхоналарининг етарли бўлиши ана шундай зарур жиҳатлардан бири.

2026 йилда пойтахтнинг гавжум ҳудудларида давлат-хусусий шериклик асосида 100 та санитария-гигиена шохобчаси ташкил этилиши белгиланди. Уларни жойлаштириш бўйича топографик ишларга 140,4 миллион сўм ажратиш таклиф қилинган. Бу рақамлар муаммонинг кўламини англатади.



Жамоат ҳожатхонасини қуриш бир қарашда осондек туюлади. Жой танланади, бино тикланиб, коммуникацияга уланади. Аммо амалиёт асосий муаммо қурилишдан кейин бошланишини кўрсатмоқда.

2026 йил мартида Санитария-эпидемиологик осойишталик қўмитаси мутахассислари мавжуд ҳожатхоналарда ҳаво айланиши, оқова сув тизими газларининг тарқалиши, ҳаво ўтказмаслик ва атроф-муҳитга хавф туғдирувчи қазилма ўралар билан боғлиқ камчиликларни қайд этган эди.

Демак, замонавий шохобча, бу — шунчаки чиройли кўриниш эмас. Унда сув, оқова сув тизими, ҳаво айланиши, ёритиш ва мунтазам тозалаш тизими бенуқсон ишлаши шарт. Акс ҳолда, иншоот тез орада эски муаммонинг янги кўринишига айланади.

Яна бир муҳим жиҳат — шохобчаларнинг тўғри жойлаштирилиши. Қоғозда 100 та объект бўлиши мумкин, аммо одамлар тўпланадиган нуқтадан унгача бир неча километр юриш керак бўлса, бу рақам ўз қимматини йўқотади. Амалдаги шаҳарсозлик меъёрларига кўра, жамоат ҳожатхоналарининг хизмат кўрсатиш доираси 700-1000 метрдан, аҳоли гавжум ҳудудларда эса 150-200 метрдан ошмаслиги лозим.

Шу сабабли янги шохобчаларни жойлаштиришда **“Қайси ҳудудда ер бор?”** эмас, **“Қайси нуқтада эҳтиёж катта?”**, деган савол устувор бўлиши шарт. Бунинг учун пиёдалар оқими, сайёҳлик йўналишлари ва жамоат транспорти бекатлари атрофлича таҳлил қилиниши зарур.

Шаҳарда ҳаракатланаётган инсонларнинг эҳтиёжи бир хил эмас. Шунга кўра, янги шохобчаларда қуйидаги шароитлар кўзда тутилиши шарт:

• ***инклюзив муҳит:*** *ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус хоналар, пандуслар, тутқичлар ва чақирув тугмалари;*

• ***оилавий қулайлик:*** *кичик ёшдаги болали ота-оналар учун она-бола хоналари ва кийим алмаштириш жойлари.*

Шундай экан, лойиҳага баҳо беришда “қурилдими?” эмас, **“ундан ким ва қанчалик қулай фойдалана олади?”** деган мезон асосий ўринга чиқиши керак.

Жамоат ҳожатхоналарининг энг оғриқли нуқтаси — дастлаб соз ишлаб, кейинчалик қаровсиз қолишидадир. Тозаликни ким таъминлайди? Жорий таъмир харажатлари кимнинг зиммасида? Шохобча кечаю кундуз ишлайдими? Бу саволларнинг жавоби қурилиш тугагач эмас, лойиҳалаш босқичидаёқ аниқ белгиланиши лозим.

Давлат-хусусий шериклик шартномаларида тадбиркор зиммасига қуришдан ташқари, тозаликни сақлаш, узлуксиз ишлаш, ногиронлиги бўлган шахсларга шароит яратиш ва хизмат сифати мажбурияти ҳам аниқ юкланиши керак. Шаҳарга 100 та бир хил бино эмас, 100 та барқарор ишлайдиган хизмат нуқтаси зарур.

Одамлар шохобчани қандай топади? Ёзувларни сайёҳ ўз тилида тушуна оладими? Бу ҳам инфратузилманинг ажралмас қисмидир. Янги шохобчаларни шаҳарнинг рақамли хариталарига киритиш, уларнинг иш вақти ва хизматларини кўрсатиш ҳамда ягона мезондаги йўл кўрсаткичларини ўрнатиш лозим. Шунингдек, “WC” белгилари билан бир қаторда тушунарли йўналиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Янги санитария-гигиена шохобчасининг барпо этилиши — шунчаки навбатдаги қурилиш лойиҳаси эмас. Унинг муваффақияти одамлар учун яратилган чинакам қулайлик ва хизмат сифати билан ўлчанади. Агар улар аҳолига яқин, тоза, хавфсиз ва барча учун мослашган бўлса — бу пойтахт инфратузилмасидаги катта сифат ўзгариши бўлади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

2026 йил 8 октябрда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида XX аср янги ўзбек адабиётининг буюк намояндаси, истеъдодли шоир ва маърифатпарвар Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон хотирасига бағишланган “Сарчашма” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Чўлпон даҳосининг теран илдизлари



Чўлпон ижодининг ўзига хослиги **миллий руҳ, озодлик ғояси ва инсон кечинмаларининг чуқур тасвирида** яққол намоён бўлади. Айни пайтда улуғ маърифатпарварнинг ижод намуналари бадиий тилининг таъсирчанлиги, Шарқ ва Ғарб адабиётининг ўзаро уйғунлиги, жанрларининг хилма-хиллиги билан ҳам диққатга сазовор.

“Сарчашма” деб номланган янги китоб давр нафасини, Чўлпон оиласининг тақдирини, миллатнинг маънавий изланишлари ҳамда аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган адабий-маърифий анъаналарни ўзида ифода этгани билан аҳамиятлидир. Буюк шоирнинг шахс сифатида шаклланишида оилавий муҳит, хусусан, отаси Сулаймонқул баззознинг маърифий қарашлари ва тарбияси муҳим ўрин тутган.

Дарҳақиқат, **“Сарчашма” китобининг энг муҳим жиҳатларидан бири —** унда шоирнинг отаси Сулаймонқул баззоз, унинг фарзандлари Абдулҳамид Чўлпон ва Фоиқахонларнинг сара ижод намуналари бир китобда жамланган. Бу жиҳатдан китоб нафақат Чўлпон ижодини, балки шоир камол топган маънавий муҳитни англаш имконини ҳам беради.

Сулаймонқул баззознинг шахсий кутубхонасига оид 100 дан ортиқ ноёб асар, шунингдек, 300 саҳифалик қўлёзма девон унинг ўз даври учун юксак маълумотли, илм-маърифатга интилган ва ижодий салоҳиятга эга шахс бўлганини кўрсатади. У диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган, замонасида “Мулло Сулаймонқул охунд” номи билан танилган.

Демак, Чўлпон қалбидаги маърифат шуъласи тасодифан пайдо бўлмаган. Унинг илдизлари, аввало, оила муҳити, китоб ва илмга бўлган юксак эҳтиром, миллий уйғониш руҳи билан суғорилган.

“Сарчашма” китобхонга нафақат Чўлпоннинг, балки у мансуб бўлган адабий муҳит ва сулола ижодий анъаналарининг номаълум саҳифаларини ҳам очиб беради. Айниқса, Абдулҳамид Чўлпоннинг янги аниқланган ва бугунга қадар эълон қилинмаган 20 га яқин шеъри илк бор китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётгани нашрнинг илмий ва адабий аҳамиятини янада оширади.

Китобдан Чўлпоннинг синглиси Фоиқахон аянинг шеърий машқлари, у кишининг машҳур акаси ҳақидаги хотиралари, шунингдек, Чўлпон хонадонига тегишли ноёб фотосуратлар ҳам ўрин олган. Бу хотиралар китобхонни Чўлпоннинг ижодий олами билан бирга унинг инсон сифатидаги қиёфасига ҳам яқинлаштиради.

“Сарчашма” номи бежиз танланмаган. Чунки ҳар бир буюк ижодкорнинг ортида уни камолга етказган маънавий муҳит, устозлар, ота-она, китоб ва тарих туради. Чўлпоннинг адабий даҳоси ҳам ана шундай чуқур ва мусаффо маънавий сарчашмалардан озиқланган.

Аслида, Чўлпон меросини ўрганиш фақат бир шоир ижодини тадқиқ этиш эмас. Бу миллий ўзлик, маърифат, озодлик ва Ватан тақдири ҳақидаги ўйларнинг манбаларини англашдир.

“Сарчашма” ана шу маънавий манбаларга яна бир бор мурожаат қилишга, Чўлпон ва унинг авлодлари қолдирган бебаҳо адабий меросни янгича нигоҳ билан кашф этишга чорлайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

Эл ўзининг баъзан аччиқ, баъзан ширин турмушида кўрган-кечирганларини топиб-тутиб, мақолу маталларда муҳрлаган. Ибора, мақол, матал ва ҳикматли сўзлардан ташкил топадиган бундай қайроқи сўзлар халқнинг ўзи каби қадимий. Шу жиҳатдан улар бир ўқишга ҳам, бот-бот ўқишга ҳам арзийди.

“ХИЗРНИ ЙЎҚЛАСАМ БЎЛАР ЭКАН...”

Ёркинжон ОДИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор.

“Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади”. Чорвадор халқ онгида бўри номи тилга олинса, худди ўзи келиб қоладигандек тасаввур шаклланган. Мазкур тасаввурлар дастлаб “Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади” тарзидаги одатий гапни пайдо қилган. Бундай лисоний ифодалар секин-аста халқ тилига кўчиб, мақол тусини олган. Ҳозир бирон-бир киши ҳақида гапириб турганингизда тўсатдан ўша одам кўриниб қолса, ярим ҳазил, ярим чин қилиб шу мақол айтилади.

“Хизрни йўқласам бўлар экан”. Муайян нарса номининг тилга олиниши билан ўша нарсага йўлиқиш ҳақидаги тасаввурга бугунги авлод кўп ҳам ишонавермайди. Аммо кундалик нутқимизда ўша нақлларни ҳеч бир иккиланишсиз қўллайверамиз. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида “Хизрни йўқласам бўлар экан”, деган ифода бор, у “кимдир тилга олинганда ўзи келиб қолганда” айтилади. Бу ифоданинг мазмунидан ҳам ниманидир номи тилга олинса, ўзига йўлиқамиз, деган қадим ишонч сезилиб турибди.



Сентябрь ойида республика бўйлаб 147 та ЯНГИ НОДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАСИ ўз фаолиятини бошлади.



“КЕКСАЛАР ТУРИЗМ ОЙЛИГИ” доирасида нуронийлар учун темир йўл чипталарига 20 фоиз чегирма эълон қилинди.



ЮНЕСКО БОШ ҚАРОРГОҲИДА Моваройннаҳрнинг буюк маънавий ва илмий мероси ҳамда маърифат уфқларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Mahalla

№82

2026 ЙИЛ
10 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Гази бор ҳудуд аҳолиси қишдан арзонроқ чиқса, гази йўқ одамлар икки ҳисса кўп молиявий юк остида қолаётганди

ҲАЁТ САБОҒИ

Ҳар куни эрталаб кўчага чиққанимизда, атрофимизда шошилаётган, юзларида турли ташвиш акс этган юзлаб инсонларни кўрамиз. Биз уларни шунчаки йўловчи, ҳамкасб ёки оддий, таниш, деб қабул қиламиз. Бироқ ҳар бир инсон эришган натижаси ортида ҳеч кимга кўринмайдиган улкан ва оғир меҳнати бор.

Ирода кутилмаган вазиятда янада тобланади

Шоҳсанам НАЖМИДДИНОВА.
журналист.

Буни оддий бир ҳаётий мисолда яққол кўриш мумкин. Чортоқ туманидаги “Бешкапа” маҳалласида яшовчи Умида Зикриллаева ногирон фарзандини асраб-авайлаб, кўнглига қараб улғайтирмоқда.

Нутқи яхши ривожланмаган фарзандининг дардига дармон бўла олмаслик онани нечоғли мушкул аҳволга солишини тасаввур қилиш қийин эмас. У “Меҳрли қўллар” марказига боради. Бу ерда ногирон фарзанди бўлган оналарнинг ҳам руҳияти билан ишланади, ҳам уларга касб-ҳунар ўргатилади.

Умида Зикриллаева ҳунар ўрганиб, кейинчалик шу марказ ўқувчисидан ишчи-ходимга айланган. Уйда ўтириб, ҳам фарзандига қарайди, ҳам рўзғор учун меҳнат қилади. Ишидан ортиб, фарзандини ювинтиради, овқатлантиради, соатлаб инжиқликларини тинглайди. Унинг юзидаги табассум ортида тоғдек масъулият ва ҳеч ким сезмайдиган улкан маънавий меҳнат яширинган.

Дунё аслида кўринмас масъулиятлар елкасида яшаб келаётган инсонлар туфайли янада гўзал. Агар биз атрофимиздагиларга янада эътиборлироқ бўлсак, ҳар бир шахснинг ортида катта бир жасорат ва меҳнат ётганини англаймиз. Дунёни гўзаллаштираётган ва инсонийликни сақлаб қолаётган нарса ҳам аслида мана шу фидойиликдир.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўтган қиш сабоқлари:
ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРДИМИ ЁКИ ЯНА “КУТИЛМАГАН СОВУҚ” АЙБДОР БЎЛАДИМИ?

Кунлар совиб, қиш фасли яқинлашгани сайин хонадонларда бир хил савол пайдо бўлади. “Уйни қандай иситамиз? Электр ва газ учун тўловлар чўнтакка оғирлик қилмайдими?”, деган мазмундаги хавотирлар асоссиз эмас, чунки бугунги шароитда энергия тежаш ва уларнинг нархини тартибга солиш дунёнинг барча давлатлари қатори Ўзбекистон учун ҳам долзарб.

Хайрулло ФАЙЗ.

Президент раислигида қиш мавсумига тайёргарлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда қабул қилинган қарорлар хавотирларга тизимли жавоб бўлди. Хўш, бу ўзгаришлар аввалги муаммоларни қандай ҳал этади?

Бугунгача мамлакатда электр энергияси истеъмоли учун ягона базавий меъёр (200 кВт.соат) амал қилар эди. Бу тизим табиий газ етиб борган, марказлашган иситиш тизимига эга шаҳар шароити учун етарли бўлиши мумкин, аммо газлашмаган ҳудудларга мутлақо адолатсиз ва оғир ҳисобланган.

Аҳоли қишда уйни иситиш, овқат тайёрлаш учун фақат электр энергияси (ёки кўмир/ўтин)га суянишга мажбур эди. Натижада улар қиш ойларида чекловдан бир неча баробар кўп ток сарфлашар ва белгиланган “ўсиб борувчи нарх” сабабли жуда катта маблағ тўлашарди. Гази бор ҳудуд аҳолиси қишдан арзонроқ чиқса, гази йўқ одамлар икки ҳисса кўп молиявий юк остида қолаётганди. Шунингдек, ижтимоий ёрдам олиш учун белгиланган даромад мезони ҳам ҳаётий эҳтиёжларни тўлиқ акс эттирмасди. Оқибатда, расман эҳтиёжманд, деб топилмаган, аммо қиш ойларида коммунал тўловларни тўлашга қийналадиган минглаб оилалар давлат кўмагидан четда қолиб кетаётганди.



Бу ўзгаришларни вақтинчалик субсидия эмас, балки ижтимоий адолатни тиклашга қаратилган манзилли қадам, дейиш мумкин. Яъни, базавий меъёрнинг 350 кВт.соатгача оширилиши газсиз ҳудудларда яшовчи аҳолининг қишдаги мажбурий эҳтиёжини тан олишдир. Давлат табиий газ етказиб бера олмагани учун фуқароларга ёрдам сифатида арзон электр таъминотини кенгайтирмоқда.

Қамровининг кенгайиши Ижтимоий реестрнинг қатъий белгилардан чиқиб, муҳтож қатламни қамраб олишини билдиради. Бунинг натижасида яна қўшимча минглаб оила қишдан талофатсиз ва қарзларсиз чиқиб олиши учун шароит яратилади. Имтиёз муддатининг 2028 йилгача узайтирилиши аҳоли ва тадбиркорларга узоқ муддатли барқарорлик ва режалаштириш имконини беради.

Янги тизим тўлиқ ишлаб кетиши ва муаммоларнинг батамом ҳал бўлиши иккита муҳим омилга боғлиқ. Биринчиси, манзиллилик ва коррупциясиз тизим бўлса, иккинчиси, тармоқлар мавсумга тайёрлигидир. Президент бежизга ёрдам пуллари аниқ эгасига етиб боришини қаттиқ назорат қилишни топширмади. Агар “маҳаллабай” ишлаш тизимида таниш-билишчиликка йўл қўйилмаса, чиндан ҳам совуқда қолган оилалар бу имтиёздан оқилона фойдаланади. Назорат қатъийлигигина, ечимни аниқ қилади.

Яна бир жиҳат — чекловнинг 350 кВт.соатга оширилиши ортидан тизимга юклама ортади. Агар электр етказиб берувчи корхоналар тармоқлардаги йўқотишларни камайтириб, трансформаторларни янгиламаса, қишда чироқ ўчаверади. Бу эса кутилган самарани бермайди.

Хулоса ўрнида айтганда, ижтимоий ҳимоя тизими мослашувчан ва инсон қадрига йўналтирилган бўлиб, ўзгаришлар минглаб хонадонларга қишни хотиржам, молиявий инқирозларсиз ўтказиш имконини тақдим этади.

МУЛОҲАЗА

Меҳмонхона билан шифохонани бир тарозига қўйиш инсон ҳаётига хавф эмасми?

Тасаввур қилинг, давлат ёки хусусий клиника эшиги олдига иситмаси баланд, нафас олиши оғирлашган боласини кўтариб ота-она ёки йўл-транспорт ҳодисасига учраб, ҳушсиз ва қон йўқотган бемор олиб келинди. Бундай вазиятда шифокорнинг хаёлидан нима ўтади? Албатта, беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш, унга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бироқ, янги таклиф этилаётган **“Миграция соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун** лойиҳаси кучга кирса, шифохона масъулларининг хаёлини ўз хавфсизлиги билан боғлиқ хавотир банд этиши мумкин.

Гап шундаки, қонунга кўра, меҳмонхона, мотел, санаторий, дам олиш уйлари, шунингдек, давлат ва хусусий клиникаларга келган фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни турган жойи бўйича ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаган ёки бунинг тартибини бузган масъул шахсларга нисбатан жавобгарлик жиддий равишда кучайтириляпти.

Бир қарашда, “доимий яшаш” ва “вақтинча турган жойи” каби эскирган атамаларни замонавий ҳуқуқий тилга мослаштириш, меҳмонхона ва дам олиш масканларида ички хавфсизликни таъминлаш учун назоратни кучайтириш ижобий қадамдек кўринади. Аммо ушбу занжирга давлат ва хусусий клиникаларнинг ҳам қўшиб қўйилиши, масъулларга нисбатан жавобгарликнинг кучайтирилиши баҳсли.

Агар оғир аҳволдаги фуқаро, хорижлик меҳмон ёки фуқаролиги бўлмаган шахс шифохонага олиб келинса, ҳар бир сония ғанимат бўлади. Бундай пайтда ёнида паспорти йўқлиги, хорижлик фуқаро тил билмаслиги, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни топиш узоқ вақт талаб қилиши мумкин. Шифохона маъмурияти, биринчи навбатда, рўйхатдан ўтказиш тизими (масалан, электрон база) ни тўлдиришга киришса, бу инсон ҳаётини тўғридан-тўғри хавф остига қўйиш эмасми? Аксинча йўл тутса, бунинг ортидан қонун бузувчи сифатида жазоланади. Албатта, миграция назорати ва мамлакат хавфсизлиги давлат учун ўта муҳим. Аммо меҳмонхона билан шифохонани бир тарозига қўйиш тўғрими?

Ушбу қонун лойиҳасида тиббиёт муассасалари учун алоҳида истисно ҳолатлар (форс-мажор) кўзда тутилмаса, бир қанча салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, масъул шахслар жазодан қўрқиб, ҳужжати тўлиқ бўлмаган ёки тизимга киритишда муаммо туғдирадиган оғир беморларни қабул қилишдан бош тортади. Айниқса, хусусий клиникалар жарималар ва текширувлар хавфи остида қолиб, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишдан умуман воз кечишга мажбур бўлишади.


Миграция соҳасини тартибга солиш ва қонунчиликни замонавийлаштириш жуда зарур. Бироқ, бу жараёнда энг олий қадрият — инсон ҳаёти эканлиги унутилмаслиги лозим.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Сиз банкдан кредит олгансиз. Ҳар ой шартномадаги маблағга қўшимча пул тўлайсиз. Аммо негадир асосий қарз камаймайди. Бугун кўплаб мижозлар мана шундай муаммо билан юзма-юз келишмоқда. Айрим банкларда кредит бўйича ойлик тўловдан ортиқча тўланган маблағлар асосий қарзни камайтиришга йўналтирилмасдан, транзит ҳисобварақларда сақланиб қолмоқда.

Мижоз кредит тўловини ортиғи билан тўласа ҳам, фоиз ҳисобланиши тўғрими?

Умида МАНСУРОВА,
журналист.



Бунинг оқибатида асосий қарз камаймай, унга фоиз ҳисобланиши давом этмоқда.

— Айрим банкларнинг кредит шартномаларида ортиқча тўловни асосий қарзга йўналтириш мажбурияти аниқ белгиланган, ***— дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси масъул ходими Жасур ХАЛИЛОВ.*** *— Бироқ, амалда ушбу талаб бажарилмаётгани, банк мобил иловаларида кредит тўловлари билан боғлиқ жараёнларни бошқариш имкониятлари етарли эмаслиги маълум бўлмоқда. Ваҳоланки, ортиқча тўланган маблағнинг асосий қарзга йўналтирилмаслиги ва унга фоиз ҳисобланишининг давом этиши “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларига зид ҳисобланади. Шунингдек, банк хизматлари истеъмолчилари билан муносабатларга оид низомга кўра, ойлик тўловдан ортиқ келиб тушган маблағ, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, асосий қарзни сўндиришга йўналтирилиши ва кредит суммаси қайта ҳисобланиши лозим. Банк дастурий таъминотидаги носозликлар эса истеъмолчи мажбуриятларининг ортишига олиб келмаслиги керак. Шу боис Марказий банкка кредит тўловлари бўйича ҳисоб-китоб тартибини истеъмолчилар фойдасига қайта кўриб чиқиш юзасидан таклиф юбордик.*

Хўш, бу муаммога ечим борми? Албатта, бор. Бунинг учун жорий амалиёт ва хорижий тажриба асосида банк хизматлари истеъмолчилари билан муносабатларга оид низомнинг ортиқча тўловларни асосий қарзга йўналтириш тартибини белгиловчи 37-банди талабларини истеъмолчилар манфаатларидан келиб чиқиб қайта кўриш, кредит ҳисоб-китоблари, жумладан, муддатидан олдин тўлаш шартларини бевосита “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солиш лозим.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



“Халқаро қизлар куни” муносабати билан “Қизлар академияси” лойиҳаси томонидан “QIZLARFEST” ФЕСТИВАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



“КЎМАК” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА 600 та ўқув марказига ссуда ажратилди, Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси 77 миллиард сўм маблағ йўналтирди.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИДА оилавий низоларнинг олдини олиш мақсадида “Турмуш” профилактик тадбирлари ташкил этилди.

МУЛОҲАЗА

БИРОВНИНГ ТИНЧЛИГИ ҲАМ СИЗНИКИДЕК ҚАДРЛИ

Кечаси эндигина уйқу оғушига чўмган хонадонда тўсатдан баланд мусиқа янграса, болалар чўчиб уйғонса ёки эрталаб эшикни очган қўшни зинапояда сочилиб ётган чиқиндига кўзи тушса, буни оддий маиший ноқулайлик, деб баҳолаш қийин. Чунки гап фақат шовқин ёки чиқиндида эмас, балки бир инсоннинг ўзини бошқалардан устун қўйиб, ўзгаларнинг осойишталиги ва манфаатларини писанд қилмаслигида... Афсуски, кўп қаватли уйларда яшаш маданияти билан боғлиқ бундай ҳолатлар ҳали-ҳануз учраб турибди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Тасаввур қилинг, кимдир ўз хонадонида тозаликни сақлаш учун ҳар куни ҳаракат қилади, чиқиндисини белгиланган жойга олиб чиқади, кечқурун бошқаларнинг дам олишига халақит бермасликка интилади. Айни пайтда бошқа биров деразадан чиқинди ташлаб, умумий йўлакка буюмларини қалаштириб қўяди ёки ярим тунда баланд овозда мусиқа тинглашни ўзининг шахсий иши, деб ҳисоблайди. **Нима деб ўйлайсиз, бир кишининг қулайлиги учун бошқаларнинг тинчлиги қурбон қилиниши керакми?**

Бу муаммо фақат назарий мулоҳаза эмас. Яқинда Миробод туманидаги маҳаллалардан бирида кўп қаватли уйнинг деразасидан кўчага чиқинди ташлаган уч нафар фуқаронинг хатти-ҳаракатлари кузатув камераларига муҳрланган. Ҳолат маҳалла раиси ва профилактика инспектори иштирокида муҳокама қилинган. Қоидабузарларга тегишли тушунтириш берилган.

Хўш, бундай беписандликнинг сабаби нимада? “Маҳалла еттилиги” бу ҳолатга бефарқми? Агар қонун ва қоидаларда аниқ талаблар белгиланган бўлса, уларни бажармасликка қандай тўсиқ бор? Ҳужжатларда ҳолатни тартибга солиш учун нима етишмаяпти?

Беписандликнинг илдизи, аввало, шахсий манфаатни умумий манфаатдан устун қўйиш, ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини ҳис қилмаслик ва қоидабузарликка нисбатан муросасиз муносабатнинг етарли эмаслигида кўринади. **Айримлар ҳали ҳам кўп қаватли уйда яшашни фақат ўз хонадони доирасидаги ҳаёт, деб тушунади.** Кимдир чиқиндини деразадан ташлар экан, унинг қаерга тушиши, ким тозалаши ёки бу ҳолат болаларга қандай намуна бўлишини ўйламайди.

Тунги шовқин эса янада нозик масала, чунки бир хонадондаги баланд овоз бошқа хонадондаги беморнинг дам олишига, эртага ишга ёки ўқишга бориши керак бўлган инсоннинг уйқусига, чақалоқнинг осойишталигига таъсир қилиши мумкин. Бу билан баланд овозда мусиқа қўйган одам ҳам кўпинча ўзининг эркинлигини бошқаларнинг дам олиш ҳуқуқидан устун қўяди.

Демак, муаммонинг бир томони ҳуқуқий саводхонлик ва тарбия билан боғлиқ бўлса, иккинчи томони жамоатчилик назорати ҳамда қоидабузарликка нисбатан муносабатга бориб тақалади.

Бироқ ҳар қандай муаммони фақат жарима ёки танбеҳ билан ҳал қилиб бўлмайди. Аввало, одамларда биргаликда яшаш маданиятини шакллантириш, қўшнининг ҳаққини ўз ҳаққидек ҳурмат қилиш туйғусини кучайтириш зарур. Аслида ҳам зинапоя, лифт, йўлак, ҳовли ва болалар майдончаси — барча аҳоли фойдаланадиган умумий макон. Уни ифлослантириш, тўсиб қўйиш ёки бошқаларга ноқулайлик туғдириш шахсий эркинлик эмас, умумий манфаатга беписанд муносабатдир.

Хўш, бундай ҳолатларда “маҳалла еттилиги” қаерда бўлиши керак? Тўғри, маҳалла ҳар бир хонадоннинг кундалик хатти-ҳаракатини бевосита кузатиб борувчи назоратчи эмас, бироқ муаммо кўп бор такрорланиб, аҳоли норозилиги ортиб бораётган бўлса, унинг олдини олиш ва масъулларни жалб қилиш, сабабларни чуқурроқ ўрганиш ва таъсирчанроқ чоралар белгилаш маҳалла фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши шарт. Айниқса, бир хил қоидабузарлик такрорланаётган хонадонлар билан алоҳида ишлаш, аҳолининг мурожаатларини эътиборсиз қолдирмаслик ва кўрилган чоралар натижасини кузатиб бориш муҳим.

Вазиятни ўзгартириш мумкинми? Албатта!

Биринчидан, кўп қаватли уйларда яшаш қоидаларини ҳар бир хонадонга тушунарли шаклда етказиш ва бу ишни мунтазам йўлга қўйиш зарур. Кириш йўлаклари, лифтлар ва умумий ҳовлиларга чиқинди ташлаш, йўлакларни буюмлар билан тўсиш, тунги осойишталикни бузиш каби ҳолатлар юзасидан аниқ тушунтиришлар берилиши, аҳоли эса муаммо юзага келганда қаерга ва қандай тартибда мурожаат қилишни билиши керак.

Иккинчидан, умумий жойларда тартибни сақлаш ва қоидабузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Уй бошқарувчилари аҳоли мурожаатларини қайд этиб бориши, такрорланаётган муаммоларни маҳалла ва профилактика инспектори билан биргаликда муҳокама қилиши, зарур ҳолларда қонуний чоралар кўрилишини таъминлаши керак.

Учинчидан, ҳар бир кўп қаватли уйда осойишталик, тозалик ва ўзаро ҳурматни сақлашга қаратилган келишув муҳитини яратиш керак. Бунинг учун хонадон вакиллари иштирокида умумий йиғилишлар ўтказиш, уйнинг ички тартиб-қоидаларини келишиб олиш, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш натижаларини муҳокама қилиш мумкин. “Маҳалла еттилиги” эса такрорий муаммоларни таҳлил қилиб, қайси уйларда профилактик ишларни кучайтириш зарурлигини белгилаши лозим.

***

Аслида, маданият инсоннинг ҳеч ким кўриб турмаганида ҳам бошқаларнинг ҳаққини қай даражада ҳурмат қилиши билан ўлчанади. Зеро, ўз хонадонини тоза сақлаш яхши одат бўлса, бутун уйни озода тутиш — масъулият, қўшнининг тинчлигини асраш эса инсонпарварлик белгисидир. Бошқаларнинг осойишталигини ҳурмат қилиш учун ҳаммага қоида ўрнатиш шарт эмас; баъзан ўзгаларнинг ҳам биз каби тинч ва осуда яшашини исташини англашнинг ўзи кифоя.

САЛОМАТЛИК ОДАТИ

Инсоннинг саломатлиги нафақат тиббий хизмат сифати, балки кундалик ҳаёт тарзи, овқатланиши, дам олиши ва ҳаракатчанлигига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларда жисмоний маданиятни кенг тарғиб қилиш ва уни аҳолининг кундалик ҳаётига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

ҲАРАКАТ ОДАТГА, СОҒЛОМ ТУРМУШ МАДАНИЯТГА АЙЛАНГАНДА



Лазиз МУСТАФОЕВ,
Бухоро давлат педагогика институти жисмоний маданият факультети талабаси.

Жисмоний маданиятни ривожлантиришда оммавийлик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки спорт билан шуғулланиш ёш, касб ёки жисмоний тайёргарлик даражаси билан чекланмаслиги керак. Футбол, волейбол, стол тенниси бўйича мусобақалар, эрталабки бадантарбия ва пиёда юриш каби машғулотлар турли ёшдаги инсонларни фаол ҳаётга жалб этишнинг самарали усулларидир.

Бунда маҳалла фаоллари аҳолининг ёши, қизиқиши ва эҳтиёжларини инобатга олиб, мос тадбирларни режалаштириши зарур. Ёшлар учун футбол, волейбол, баскетбол ва миллий спорт турлари бўйича турнирлар ўтказиш мумкин бўлса, катта ёшдагиларга енгил гимнастика, пиёда юриш ва соғломлаштириш машқларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, бундай ташаббуслар бир марталик тадбир бўлиб қолмай, мунтазам давом этиши керак.

Ёшлар ўртасида жисмоний маданиятни оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис ёшлар етакчилари уларни спортга жалб этиш, турли мусобақа ва эстафеталарни ташкил қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун имконият яратишга интилишлари лозим. Мунтазам машғулотлар ёшларда интизом, қатъият ва мақсад сари интилиш каби фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.



Хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Улар учун қулай вақт ва шароитда эрталабки бадантарбия, юриш, гимнастика, волейбол каби машғулотларни ташкил этиш мумкин.

Жисмоний фаоллик катта ва кекса ёшдаги инсонлар учун ҳам муҳим. Албатта, машғулотлар уларнинг ёши ва саломатлигига мос бўлиши зарур. Очиқ ҳавода сайр қилиш, енгил гимнастика ва нафас олиш машқлари ҳаракатчанликни сақлашнинг оддий ва қулай усулларидир.

Фуқароларни спортга жалб қилишда маҳалла фаолларининг ташкилотчилик қобилияти муҳим ўрин тутади. Улар аҳолининг қизиқишларини ўрганиши, тадбирларни режалаштириши ва таълим муассасалари, спорт ташкилотлари ҳамда ёшлар билан ишловчи мутахассислар билан ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, замонавий ва хавфсиз спорт майдончаларини кўпайтириш, мавжуд иншоотлардан самарали фойдаланиш ҳам аҳолининг жисмоний фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллада спортни оммалаштириш аҳоли саломатлиги ва жамият фаровонлигини мустаҳкамлайди. Бунинг учун спортни кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш зарур.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Барно АШУРОВА. Андижон вилояти:

— Уйимизда учта эшикка кўзгули ойна ўрнатилган. Яқинда турмуш ўртоғим кўзгуга, айниқса, кечаси қараш яхши эмас, одамни васвасага солади, деган гапни айтди. Динимизда кўзгуга қараш борасида бирор тақиқ ёки салбий қараш борми?

Кечаси кўзгуга қараш хосиятсизми?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.

— Уйга кўзгу ўрнатиш ёки кечаси унга қарашни “хосиятсиз”, “жин ва шайтонларни чақиради”, деб баҳолашнинг шаръий асоси йўқ. Бундай қарашлар кўпроқ халқ орасида тарқалган ирим-сирим ва тасаввурларга бориб тақалади. Шунинг учун оддий маиший буюмни қўрқув манбаи сифатида кўриш ёки фақат шу сабаб билан уйдаги кўзгуларни олиб ташлаш шарт эмас.

Кўзгунинг жойлашувига эса намоз нуқтаи назаридан эътибор бериш лозим. Хусусан, қибла томонда турган кўзгу намозхоннинг диққатини чалғитиши мумкин. Шу сабабли намоз пайтида кўзгудаги аксига қараб қолиш каби ҳолатлардан сақланиш, имкон бўлса, кўзгуни қибла қаршисига ўрнатмаслик тавсия этилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Бизда саломлашишнинг ҳам ўзига яраша одоби бор. Тенгдошлар кўришганда бир қўл узатиб, ҳол-аҳвол сўрашади. Ёши катта инсон билан эса қўлни икки қўллаб тутиш, баъзан кўришгандан сўнг қўлларни бир-икки марта енгил силкитиб қўйиш одат тусига кирган.

БИЗДА НЕГА ШУНДАЙ?..

ИККИ ҚЎЛДА МУЖАССАМ БИР ОЛАМ ҲУРМАТ

Бу ҳаракатни кўпчилик изоҳлаб ўтирмайди — болаликдан кўриб, ўрганиб, табиий равишда такрорлайди. Аммо айнан шу оддий ишораларда ўзбекона муомала маданиятининг нозик маънолари яширинган.

*Қўл бериб кўришишнинг ўзи инсоният тарихидаги қадимий муомала шаклларидан биридир. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: **“Аҳли Яман келганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Батаҳқиқ, Яман аҳли келмоқда. Улар сизлардан кўра юмшоқ қалблидир. Улар биринчи бўлиб қўл бериб сўрашганлардир”**, дедилар”. Демак, қўл бериб сўрашишни илк бор яманликлар одат қилган экан.*



Лекин ўзбекона саломлашувда қўл беришнинг маъноси анча кенг. Биз учун салом — бир-бирига ҳурмат кўрсатиши ва орадаги муносабатни мустаҳкамлашдир. Шунинг учун ҳам катталар билан кўришишнинг ўзига хос тартиби бор. Кичик одам аввал салом беради, ёши улуғнинг қўлини икки қўллаб тутади, ҳол-аҳвол сўрайди. Бу ерда иккинчи қўл шунчаки қўлни ушлаб турувчи восита эмас, балки ҳурматни кучайтирувчи ишорага айланади.

Айниқса, икки қўллаб кўришиб, кейин қўлларни енгил силкитиб қўйиш халқимиз орасида кўп учрайдиган самимий муомала кўринишидир. Уни “шартли қоида” деб тушунтириш қийин, чунки бу кўпроқ ҳис-туйғунинг табиий ифодаси. **Бир қўл билан кўришиш — саломлашув бўлса, икки қўл билан тутиш — эҳтиром, қўлни бир оз силкитиб қўйиш эса гўё шу эҳтиром ва самимиятни давом эттиришдек таассурот уйғотади.**

Бундай ишоранинг яна бир нозик жиҳати бор. Қўлни шунчаки узатиб, дарҳол қўйиб юбориш билан инсоннинг қўлини икки қўллаб тутиб, бир оз ушлаб туриш ўртасида ҳиссий фарқ сезилади. Иккинчи ҳолатда инсон қаршисидаги одамга кўпроқ эътибор қаратади. Айниқса, ёши улуғ кишининг қўлини икки қўллаб ушлашда “сизни ҳурмат қиламан”, “сизни кўрганимдан хурсандман”, деган мазмун сўзсиз ифодаланади.

Ўзбекона муомала маданиятида яна бир жиҳат эътиборга лойиқ: саломлашишнинг шакли инсонлар ўртасидаги масофани ҳам билдиради. **Яқин одам билан илиқроқ, катталар билан эҳтиром билан, расмий муҳитда эса вазминроқ кўришилади.** Демак, қўлнинг қандай узатилиши, қандай тутилиши ва қачон қўйиб юборилиши ҳам инсоннинг қаршисидаги кишига бўлган муносабатини билдириши мумкин.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис:
«MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 309 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020